

Илҳомбек ҚУРБОНБОЕВ

**ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК
ЛИРИКАСИ**

Илҳомбек ҚУРБОНБОЕВ

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ЛИРИКАСИ

(ўқув-услубий қўлланма)

**Тошкент
«Мухаррир»
2012**

Тақдим этилаётган ўқув-услубий қўлланма «Ҳозирги адабий жараён» фани муҳим ҳалқаси – лирика тараққиёт тамойиллари, адабий ривожланиш қонуниятлари ўзига хослиги, бадиий тадрижи ҳамда предмет фалсафий-эстетик асосларини ўрганишига бағишланган. Унда назарий ақида ва амалий мезон яхлитлиги, тасвир ва талқин узвий алоқадорлиги, шеър гоёвий-иждодий моҳиятини баҳолаш меъёрлари назарий жиҳатдан умумлаштирилган.

Китоб ҳозирги адабий жараён, лирика тарихи ҳамда назарияси илмий муаммолари билан шугулланадиган мутахассислар, олий ўқув юр்தларининг ўзбек тили ва адабиёти ихтисослиги магистрант ва талабалари, шунингдек, филология йўналишига қизиқадиган кенг китобхонларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

ф.ф.д., проф. Б.А.НАЗАРОВ

Такризчилар:

Л.Бўрихон,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими
А.Носиров,
филология фанлари номзоди,
СамДУ доценти

КИРИШ

Интиҳоланаётган аср сўнгги ўн йилликларида мамлакатимиз ҳаётида муҳим тарихий ҳодиса – ўз мустақиллигини қўлга киритди. Бу мислсиз катта эврилишлар барча соҳаларда бўлгани каби, адабиётшунослик олдиға ҳам қатор вазифаларни кўндаланг қўйди. Бу жараён шубҳасиз ҳар бир ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарвалик, миллатпарварлик, комил инсон бўлиб вояға етишида ва жаҳон ҳамжамиятида ўз муносиб ўрниға эға бўлиш учун мамлакатимиз томонидан кенг шароитлар яратиб берилди. Олий ўқув юртларининг бакалаврият таълим йўналишида таҳсил олувчи талабаларнинг бадиият сирлари (шеърият илми)дан билим ва назарий кўникмаларни ҳосил қилиш мақсадида “Ҳозирги адабий жараён” курсининг ўқитилиши фикримиз ёрқин далилидир. Ушбу ўқитилаётган курснинг бир узви саналган – лирикани тушуниш, шоирлар истеъдод қирраларини кашф этиш, маҳорат сирларини тадқиқ этиш олдимизда кўналаднг бўлиб турган вазифалардан бири эди. Ниҳоят янгиланаётган бадиий тафаккурға ўз ҳиссасини қўшиб келаётган бир қатар шоирлар жумладан, Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон, Узмон Азим, Улуғбек Ҳамдам каби истеъдод эгаларининг ижод намуналарини атрофлича тадқиқ қилишни мақсад қилиб белгиладик. Аёнки, шеърият бошқа тур ва жанрларға қараганда инсон руҳиятини, якка шахс қалб кечинмаларини идрок этишға йўналтирилганлиги билан кескин фарқ қилади.

Шунингдек, талабаларға таълим беришда замонавий таълим технологияларининг аҳамияти катта. Қўлланмада келтирилган таълим технологияларининг ҳар бири ўзида ўқув машғулотларини ўтказиш шарт-шароити тўғрисида ахборот материалларини, педагогик мақсад, вазифа, кўзланган натижаларни, ўқув машғулотларининг режаси, ўқитишнинг усул ва воситаларини мужассамлаштирилган. Бу ўқув машғулотнинг технологик харитасини – ўқитувчи ва ўқувчининг мазкур ўқув машғулотида эришадиган мақсади бўйича ҳамкордорлиги фаолияти босқичма-босқич таърифлаган.

Қўлланма таркиби тўртта асосий мавзуни ўз ичига қамрайди. Таълим технологиясининг концептуал асослари, ҳар бир мавзу бўйича маъруза машғулотларида ўқитиш технологиялари ҳамда маъруза матнларидан иборат. Мавзу моҳиятини ўзлаштириш ва хотирада яхши сақлаб қолишни ривожлантириш учун жадвал ва чизмалардан фойдаланилади.

Ҳозирги таълим жараёнида шу нарсa аниқ бўладики, таълим жараёниға ўқитишнинг янги, замонавий усул ва воситаларини киритиш самарали натижаларни таъминлашда ёрдам беради. Бугунги кунда ўқитувчи билим олишнинг ягона манбаи эмас, балки талабаларнинг мустақил ишлаш жараёнининг ташкилотчиси, моҳир мураббийи, маслаҳатчиси бўлиши лозимлиги айна ҳақиқатдир.

“Ҳозирги адабий жараён” фанининг муҳим халқаси саналмиш лириканинг фалсафий-эстетик, ижтимоий-психологик қирраларини, моҳиятини тушунишда, кашф этишда, талабалар осонликча

Ўзлаштиришида янги педагогик таълим технологияларининг ўрни ниҳоятда бекиёсдир. Фаннинг вазифаси – наср ва назмий асарлар, драматургия намуналаринининг бугунги истиқболи, тадрижий тараққиёт тамойилларини тадқиқ этиш, талабаларга чуқур ўргатишни тайин этади. Ваҳоланки, ХХІ асрнинг долзарб муаммолари глобаллашув жараёни, шиддат билан эврилаётган дунёда бадиият жавҳарларини кенг қамровда ўрганишнинг ўрни нечоғли аҳамиятли эканлигини кунимизда истеъмолда бўлаётган замонавий педагогик технологиялар негизида ўзлаштиришни тақозо этмоқда. Шундай экан, адабий жараённинг ажралмас ҳалқаси саналган – шеърият ва унинг пешқадам вакиллари яратикларини ўзлаштириш, ўрганиш муҳим масалалардан биридир.

Ушбу ўқув-услубий қўлланмада Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Улуғбек Ҳамдам сингари шоирларнинг ижод намуналарини атрофлича таҳлилу тадқиқ қилишга ҳаракат қилинди. Уларнинг ижод намуналаридан ташқари таржимонлик фаолиятидан ҳам талабаларнинг боҳабар бўлишлари мақсадида янги маълумотлар келтирилди.

1- МАВЗУ

Ҳозирги ўзбек шеъритада услубий-шаклий изланишлар

Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 70-80 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Кириш: визуал маъруза
Маъруза машғулотининг режаси:	1. Шеърятда шакл ва усул алоқадорлиги; 2. Модернизм ҳақида умумий тушунча; 3. Истиқлол даври лирикасида фалсафий-эстетик тамойиллар ифодаси
Ўқув машғулотининг мақсади: “Ҳозирги адабий жараён” фани предмети ва билиш усуллари, тадрижий тамойиллари, бошқа фанлар билан алоқаси тўғрисида билим ва кўникмаларни шакллантириш.	
Педагогик вазифалар: - фан ва мавзу бўйича асосий тушунчалар билан таништириш, фан предмети тушунтириш; - адабий жараённинг шаклланишида муҳим ўрин тутадиган намоёндалар билан таништириш; - адабий жараён фанининг бир узви саналган шеърятнинг ўзига хос хусусиятларини тушунтириш; - шеърый асарларнинг бетакрорлиги, фалсафий-эстетик қирраларинининг моҳияти билан таништириш;	Талабанинг вазифалари: - “Ҳозирги адабий жараён” фанининг предмети изохлайди; - шакл ва услуб тушунчаларига изох беради; - модернизм ҳодисасининг таракқиёт томонларига аниқлик киритади; - шеърятда рамзийлик тушунчасини баҳолайди; - бошқа фанлар билан алоқаси ва улар ичида тутган ўрнини тавсифлайди;
Ўқитиш услуби ва техникаси	Визуал маъруза, баён қилиш, “ҳа-йўқ” техникаси
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, проектор, таркатма материаллар, органайзерлар.
Ўқитиш шакли	Жамоа, жуфтликда ишлаш
Ўқитиш шароити	127 - аудитория

1-маъруза машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
1-босқич	Педагог	Талаба
1-босқич. Кириш. 10 дақиқа	1.1. Мавзу, унинг мақсади, ўқув машғулотида кутилаётган натижалар маълум қилинади.	1.1. Эшитилади, ёзиб олади

2-босқич. Асосий қисм. 60 дақиқа.	2.1. Талабалар эътиборини жалб этиш ва билим даражаларини аниқлаш учун тезкор савол-жавоб ўтказди. - ҳозирги адабий жараён фанининг мақсад ва вазифаларини айтинг; - ҳозирги адабий жараёни ўрганиш амалиётида қандай аҳамияти борлигини айтинг; 2.1. Ўқитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда маърузани баён этишда давом этади. Фаннинг шаклланиши, адабий жараёнининг ривожланиш қонуниятларини, фан билан боғлиқ асосий тушунчаларни шарҳлайди. 2.3. Адабий жараён курсининг ривожланишига ўз хиссасини қўшиб келаётган олимлар ҳақидаги тақдиротни намойиш қилади; - фан нимани ўрганади деб ўйлайсиз? - бошқа фанлар билан алоқаси нимада кўринади? - фаннинг аҳамияти нималарда ифодаланади? каби саволлар билан фаннинг предметини тушунтиради.	2.1. Эшитади, саволларга навбат билан жавоб беради; - Ўйлайди, бўлимларни кетма- кетликда санайди; - фарқли жиҳатларни қиёсий таҳлил қилди; - бир-бирининг жавобларини тўлдиради; - 2.2. схема ва жадваллар мазмунини муҳокама қилади; - саволлар бериб, асосий жойларни ёзиб олади; 2.3. Ёзиб олади ва эслаб қолади; - саволларга мисоллар асосида жавоб беради; - маълумот ва таърифларни ёзиб олади;
3-босқич. Якуний қисм. 10 дақиқа.	3.1. мавзуга якун ясайди ва талабалар эътиборини асосий тушунча ва масалаларга қаратади. Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради, мустақил иш учун вазифа беради.	3.1. Эшитади, аниқлаштиради. 3.2. Топшириқларни ёзиб олади.

Ҳозирги ўзбек шеъриятида услубий-шаклий изланишлар

XX аср шеърияти шакл ва мазмун, услуб ва ифода тамойиллари ўзига хослиги билан алоҳида таҳсинга сазоворлиги билан ажралиб туради. Айниқса, интиҳоланган аср охирларида мамлакатимизда рўй берган ижтимоий-психологик жараённинг таъсири натижасида – лирика ҳам эврилишларни бошдан кечирди. Модернизм оқими, унинг энг юксак намуналари яратилишига замин ҳозирланди. Дарвоқе, шеъриятнинг ички моҳиятида инсон иродасининг, унинг руҳият қирралари, қалб кечинмалари – рамзларда, фикрий товланишларда ифода этила бошланди. Шакл мазмунни янгилаш баробарида, янги жанр ва услубий хусусиятларнинг пайдо бўлишига кенг йўл очиб бера бошлади. Бу ўринда адабий таъсир деган тушунчани ҳам келтириб ўтишимиз мақсадга мувофиқ. Турфа адабий оқимларнинг синкретик (қоришиқ) ифодасини ўзига хос тарзда ифодалай олган Б.Рўзимуҳаммад, Фахриёр, С.Ашур, З.Мирзо, В.Файзулло, Ш.Субҳон ижодларида бунинг ёрқин намуналарини кузатамиз.

Проф Қ.Йўлдошев алоҳида қайд этишича: “Истиклол бутун ўзбек миллатини дунёга, дунёни эса ўзбекка яқинлаштирган бўлса, истиклол шеърияти ҳар бир ўзбекни ўз кўнглига яқинлаштирди, унинг адоқсиз лабиринтларини, пурвиқор чўққиларини, тубсиз теранликларини, хуллас, алоҳида қалбнинг нақадар поёнсиз ва серқирра эканлигини акс эттирди”¹. Дарҳақиқат, бу каби услубий-шаклий изланишлар У.Азим, Ш.Раҳмон, Р.Парфи, У.Ҳамдам сингари шоирлар ижодида ўзига хос тарзда намоён бўлаётир. Бугунги шеърият, мунақид таъкидлаганидек, яқка шахс қалби, руҳоний борлигини тасвирлаётгани – ижтимоийликдан кўра, кўпроқ ўз кўнглини таржима қилаётгани чиндир. Унда бир инсон мавжудлик жумбоғини англашга бўлган интилишлар тасвирланади:

Туғилиш – ўргимчак тўрига тушиш,
Яқинлашиб келаётган оч ўргимчак – ўлим!
Ҳаёт – озодлик қасдида чекилган заҳмат,
Сен эса бир кулмоқ истайсан, кўнглим...²

Шоир қалбини тирнаётган нарсга ҳам тирикчилик, ҳаёт заҳматларини, аччиқ маломатларини тортиш, унинг қаршисида – ўргимчакнинг “ажал” каби тишини қайраб туриши – рамзий маъно ташигани ҳаққирост! Поэтик мушоҳада залвори ҳар бир сатрдаги ўхшатиш тимсолида аниқликка эришилган. Унда кўнгил пучмоқларига ҳам назар ташланади. Инсон тийнатиға хос фазилатларга мантикий урғу беради. “Кулмоқ истаган” кўнгилнинг орзу-истакларини, кайфиятини, бутун-мураккаблигича чизишга эришади. Усмон Азим ижодида ҳам сўнгги пайтлари постмодернизм оқими кайфиятини кузатиш мумкин. Бир пайтлар турк шеъриятида фикр ва ғоя мураккабликларига зўр маъно яширишга уринишлар, урф бўлган образли ташбеҳлар кунимизга келиб ушбу шоирлар наздида бир бошқача тарзда идрок этилмоқдаким, унда чинакам

¹ Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2006. –Б.102.

² Ҳамдамов У. Сени кутдим. Шеърлар. –Т.: “Фан”, -Б.54.

жасорат, санъат намунаси борлигини эътибордан соқит қилиб бўлмайди. У.Азимнинг “Юрак” тўпламидан ўрин олган қуйидаги шеър ҳам бунинг ёрқин тасдиғини бериб турибди:

1.

Умрида
Бир марта ҳам
Ўлмаган одам,
Сен билан
Нима ҳақида
Сухбатлашай?

2.

Умрида
Бир марта ҳам
Тирилмаган одам,
Сен билан-чи?¹

Шоир – ўз олами ичира ёлғиз. У фақат ўзини қийнаётган муаммолар билан тиллашиш, китобхонни фикрлашга ундамайди, аксинча олам ва одам ўртасидаги мурасасиз курашни, муҳими тушунгувчи кўнгилнинг йўқлигидан, азият чекади шоир лирик қаҳрамони. “Умрида бир марта ўлмаган одам” билан қай тариқа муросаю мадора қилиш мумкинлиги унинг қалбига бир дам тинчлик бермайди. Бу ўринда шоир “ўлим” ваҳмидан чўчиётгани йўқ. Аксинча, ўлим унга теран фалсафий мушоҳада воситаси, ўзликни англаш учун очилган йўл, боқийлик зинапояларига кўтарилиш манзилidir. Тириклик ва яшаш саодатини англаш йўлидаги изланишлари унга чексиз саодат, лаззат бахш этишига ишонган юраккина бундай иқрорларни жасорат билан айта олади.

Рауф Парфи умри поёнигача – исён билан яшади. Бу исён унинг озод руҳини, кайфиятини, орзуларини, бахту бахтсизлигини, миллат келажагини юракдан ҳис қилганлигида кўринади. Чунки беадоғ саволлар исканжасида бир умр азият чеккан, мукамаллик саодатини орзулаган шоир қарашлари нақадар беғубор. Буни қуйидаги мисраларда кўришимиз мумкин:

Айрилиқ шамшири бошимда синди,
Борлигим чопилди, ичдим қонимни.
Дунё тарихини ўқиб юкидим,
Уйқудан уйғотдим Туркистонимни².

Моддий дунё ҳавасларидан жуда баландда турган, борлиқ ҳодисаларини, озодлик ва эрк туйғулари билан ёниб-яшаган шоир иқрорлари ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Жамиятнинг барча аъзоларини бирдамликка, инсонийликка, меҳр-садоқатли бўлиб яшашга даъват этади. Биз Рауф Парфига – миллатни уйғотган шоир деб, бекорга сифат

¹ Азимов У. Юрак. –Т.: “Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти”, 2010. –Б. 123.

² Рауф Парфи. Тавба. –Т.: “Ёзувчи”, 2000. –Б. 59.

бермаймиз. Уйғоқлик – шоир ижодида энг бирламчи аҳамият касб этиши ҳам шундадир. Ҳар бир тирик қалбки бор, доимо уйғоқ ва огоҳ бўлиши муҳимлигини уқтиради шоир барча ёзганларида. Унда қадим аждодларимизнинг ибратли ҳаёт йўли жилваланади.

Умуман, ҳозирги давр лирикасида шакл ва мазмун тубдан янгиланиб бормоқда. Ҳар қанақасига олиб кўрмайлик, соф санъат ва адабиёт талабларига, шеърият қонун-қоидаларига тўлиқ жавоб берадиган асарлар яртилмоқда. Кўнгил иши шеъриятимиз истиқболи юқорида санаб ўтилган шоирлар ижоди тимсолида равнақ топиб юксалиб бормоқда. Зеро, ҳар қачонгидан янгиланиб улгурган лирикамиз бундан ҳам юксак даражада шаклланиб, сайқалланиб бораверади десак, асло муболаға қилмаган бўламиз.

2- МАВЗУ

Рауф Парфининг фалсафий-эстетик олами

Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 70-80 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Кириш: визуал маъруза
Маъруза машғулотининг режаси:	1. Рауф Парфи ҳаёти ва ижоди; 2. Шоир шеъриятининг фалсафий-эстетик қирралари; 3. Ижодкор шахси ва шахсиятининг ифодаси;
Ўқув машғулотининг мақсади: “Рауф Парфи лирикаси ва ҳаётига оид” асосий билим ва кўникмаларни шакллантириш ва билиш усуллари, тадрижий тамойиллари, бошқа фанлар билан алоқаси тўғрисида билим ва кўникмаларни шакллантириш.	
Педагогик вазифалар: - фан ва мавзу бўйича асрий тушунчалар билан таништириш, фан предметини тушунтириш; - адабий жараённинг шаклланишида муҳим ўрин тутадиган намоёндалар билан таништириш; - адабий жараён фанининг бир узви саналган шеъриятнинг ўзига хос хусусиятларини тушунтириш; - шеърий асарларнинг бетакрорлиги, фалсафий-эстетик қирраларинининг моҳияти билан таништириш;	Талабанинг вазифалари: - “Рауф Парфи ижодининг бош мавзуси”ини изоҳлайди; - шакл ва услуб тушунчаларига изоҳ беради; - модернизм ҳодисасининг тараққиёт томонларига аниқлик киритади; - шеъриятда рамзийлик тушунчасини баҳолайди; - бошқа фанлар билан алоқаси ва улар ичида тутган ўрнини тавсифлайди;
Ўқитиш услуби ва техникаси	Визуал маъруза, баён қилиш, “ҳа-йўқ” техникаси
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, проектор, тарқатма материаллар, органайзерлар.
Ўқитиш шакли	Жамоа, жуфтликда ишлаш

Ўқитиш шариоти	127 - аудитория
----------------	-----------------

1-маъруза машғулоти нинг технологик харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
1-босқич	Педагог	Талаба
I-босқич. Кириш. 10 дақиқа	1.1. Мавзу, унинг мақсади, ўқув машғулоти дан кутилаётган натижалар маълум қилинади.	1.1. Эшитади, ёзиб олади
2-босқич. Асосий қисм. 60 дақиқа.	2.1. Талабалар эътиборини жалб этиш ва билим даражаларини аниқлаш учун тезкор савол-жавоб ўтказади. - Шоир лирикасининг моҳияти да нималар акс эттирилганигни изоҳланг; - шеърийат ҳақидаги олимлар қарашларини умумлаштиринг ва ўз тушунчаларингизни келтириб ўтинг; 2.1. Ўқитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда маърузани баён этишда давом этади. Шоир ижодининг шаклланиши, адабий жараённинг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиши билан боғлиқ асосий тушунчаларни шарҳлайди. 2.3. Адабий жараёнда Рауф Парфининг тутган ўрнини, ҳиссасини олимлар фикрлари билан тўлдиради; - шоир лирикасидаги рамз ва ишораларни таҳлил қилинг? - чет эл адиблари ижоди билан қиёсланг? - шахс ва руҳият масаласига аниқлик киритинг?	2.1. Эшитади, саволларга навбат билан жавоб беради; - Ўйлайди, бўлимларни кетма- кетликда санайди; - фарқли жихатларни қиёсий таҳлил қилди; - бир-бирининг жавобларини тўлдиради; - 2.2. схема ва жадваллар мазмунини муҳокама қилади; - саволлар бериб, асосий жойларни ёзиб олади; 2.3. Ёзиб олади ва эслаб қолади; - саволларга мисоллар асосида жавоб беради; - маълумот ва таърифларни ёзиб олади;
3-босқич. Якуний қисм. 10 дақиқа.	3.1. мавзуга якун ясайди ва талабалар эътиборини асосий тушунча ва масалаларга қаратади. Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради, мустақил иш учун вазифа беради.	3.1. Эшитади, аниқлаштиради. 3.2. Топшириқларни ёзиб олади.

МИЛЛАТНИ УЙҒОТГАН ШОИР

Рауф Парфи истеъдодли, исёнкор шоир. Истеъдодининг сири шундаки, у ҳеч кимни ҳеч қачон такрорламайди. У нозик туйғулар, дилбар хаёллар куйчисидир. Рауф Парфи 1943 йил 27 сентябрда таваллуд топган. Ўрта мактабни тугатиб, 1960-1965 йилларда Тошкент Давлат университети (ҳозирги Миллий университет)да сиртдан таҳсил олди.

Шоирнинг ота-онаси мустабид тузум даврида она юрти Фарғонадан қувғин қилиниб, Тошкент вилояти Янгийўл туманининг Шўралисой қишлоғига келиб қолган.

Шоир «Сабр дарахти» (1986) тўплами учун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Ҳамид Олимжон номидаги йиллик мукофотиغا сазовор бўлган.

Куз манзараси тасвирланган мана бу сатрларга эътибор беринг:

Шивирлайди оёғимда яшаб ўтган хазонлар,
Кўзларимга игна янглиғ санчилмоқда мезонлар.
Хувиллаган қишлоқ узра қуюқ туман чўкмоқда,
Йироқларда най кўнглини сўнгги бора тўкмоқда.

Ана сизга ғарибона бир қишлоқдаги куз манзараси-ю ундан келиб чиқадиган фалсафа! Бу оддий шеъргина эмас, тўла маънода поэзиянинг худди ўзгинаси, деса бўлади. Тўртликни ўқигач, аввало ўша оддий қишлоқ тимсолида куз келтирган маънос ҳолатни гўё рассомнинг «Куз» манзараси янглиғ дарров англайсиз. Қолаверса, сиз хоҳлайсизми, йўқми мана шу манзара инсон қалбига кўчади. Хуллас, шоир табиат манзаралари орқали инсон ҳолати манзараларини рассомона маҳорат билан ифодалайди.

Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, «Ёзувчи» нашриётлари, турли газета ва журнал таҳририятларида фаолият кўрсатди.

Унга «Ўзбекистон халқ шоири» унвони берилган. Рауф Парфи 2004 йилда вафот этган.

Рауф Парфи моҳир таржимон сифатида ҳам маълум ва машҳурдир.

У ўзбек шеърини мавқеини кўтаришга, уни тил ва услуб, жанр жиҳатдан ранг-баранглашиб, бойиб боришига улкан ҳисса қўшган шоирдир.

Рауф Парфининг илк шеърлари 50-йилларнинг иккинчи ярмида ёзилган бўлса ҳам, 60-йилларнинг ўрталарига келиб шоир сифатида эл оғзига тушди. Унинг «Карвон йўли» (1968), «Акс садо» (1970), «Тасвир» (1973), «Хотирот» (1974), «Кўзлар» (1976), «Қайтиш» (1981), «Сабр дарахти» (1986), «Сукунат» (1991) каби шеърини гулдасталари ўз ўқувчисига тақдим этилди. Шоир сўнгги йилларда «Шарқ юлдузи», «Ёшлик», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» каби газета-журналларда фаол иштирок этди.

Шеърларда ўзни, ўзликни англаш, ота-боболари кўрган ноҳақликларнинг тағ заминини тушуниш, адолат учун кураш, она Ватан

дахлсизлигини, истиқлол ёққан ҳаёт ва озодлик чироғини ардоқлаш бош ва етакчи мавзу бўлиб келди. Шу маънода у исёнкор шоир, эзгулик ва адолат куйчиси ва ҳимоячисидир.

Кўпинча, бундай улуғ ғояларни умумий ҳолда эмас, конкрет ҳолатда, у ёки бу оддий масала мисолида умумлаштириш йўлидан боради.

Бу жиҳатдан унинг 1981 йилда ёзган «Туркистон ёди» номли шеъри ибратли, деса бўлади. Шеър битилган йилларда она Туркистон ҳақида, унинг кечаги ва бугунги куни ҳақида сўз айтиш унча осон эмас эди. Шоир бу ҳолатни туркистонлик Миртемир ва Аҳмад Яссавий тимсолида маҳорат билан ифодалай олган.

Ёки унинг 1995 йилда ёзган «Абдурауф Фитрат» деган мувашшаҳ сонетини оласизми, «Ойбек хотираси» шеъриними, Вьетнам уруши ҳақидаги шеърлариними, танка-учликлариними - адолатсизликка, хунрезлик ва ҳақсизликка нафрат, ғазаб лиммо-лимдир. Айниқса, унинг Ватан ҳақидаги шеърлари орасида «Ватан» деб номланган уч қисмдан ташкил топган сонет диққатга сазовор:

Кўрингиз тарихни, эй буюк халким,
Кўзимда эртанинг севинчи, холос.
Нодир Ватан ишқи надир? У, балким,
Ичимни кемирган қадимий қасос.

Ҳа, бундай шеърлар шоирнинг кечмиш ҳаёт ҳақидаги изтироби, дарди, алам ва қасоси боисидандир.

Байроннинг «Манфред», А.Твардовскийнинг «Хотира ҳуқуқи» дostonларини, Нозим Ҳикматнинг «Инсон манзаралари», шунингдек, Пабло Неруда, Геворг Емин, Карло Каладзе ва Воқиф Самад каби қардош ва жаҳон адабиёти намояндалари ижодидан қилган таржималари билан ҳам миллий адабиётимиз равнақиға хизмат қилиб келди.

Фалсафий-эстетик оламининг намоён бўлиши

“Инсон руҳиятини сураатлантириш, уни табиат олами ва жамият воқелиги билан боғлиқ моҳиятини кечинмалар мазмуниға айлантириш Рауф Парфи шеърятининг ижтимоий йўналишини белгилайди. Шоир дунёқарашининг кенг миқёслар орттиришида, жаҳон бадияти намуналари эвазига диди-савиясини ўсиб боришида муттасил ўқиб-ўрганиб бориш муҳитининг аҳамияти чексиздир. Рауф Парфи бадий дидининг шаклланишида, адабий жараёнга, асарларға, ижодкорнинг бурчи-масъулияти масаласига нисбатан нуқтаи назарнинг камол топишида устози Абдураҳмон Водилийнинг таъсири салмоқли бўлди.

Рауф Парфи устози Абдураҳмон Водилий тимсолида, ёзувчи-шоир одам фавқулодда бир ҳодиса экан, деб билди”¹. Дарҳақиқат, шуни айтитиш жоиз, Рауф Парфи – жаҳон адабиёти намуналарини кунт билан ўрганади, айниқса, Навоий ижоди, Машраб ва Бедил, Румий ва Аттор бадий олами билан яқиндан танишуви натижасида руҳият дунёси, оламға бўлган

¹ Раҳимжонов Н. Сўз –ранглр билан суҳбат// Шарқ юлдузи №2. 2012. –Б. 156-159

қарашлари, тафаккур микёслари анчайин кенгайди десак, ҳақ гапни айтган бўламиз. Бинобарин, шоир Чўлпону Ҳамид Олимжондан кейин – ўзбек шеъриятига янгича руҳ ва кайфият олиб кирди. Тамомила янгича идрокка йўғирилган кечинмаларини изҳор этаркан, миллатни уйғоқ ва мустақил бўлиб яшашга чорлади. Адабиётшунос Н.Раҳимжонов қайд этишича: *“У адабиёт Шарқдан келиб чиққан маънавият эканлигини аниқ билганимиз боис, руҳимизга мос келди. Инсон руҳи учун... Инсон, масалан, чанқаганда сув ичади-ку. Худди сув ичгандек бирон нарса олиш учун эмас. Улуғ инсонлардан руҳландим. Руҳландиму чексиз ҳайратларга тушдим, йиғладим. Фарёд қилдим. Беқиёс бадиияти қошида мен ўзимни унутдим. (Бу ўринда, Пушкин, Лермонтов, Блок, Есенин, Белий, Бальмонт, Брюсов сингари сўз санъаткорларини назарда тутаётир – Р.Н.) Мен ҳам бир ёзувчи эканлигимни унутдим. Ўша ўқиётган пайтимда, бутунлай бошқа одамга айландим. Уларга жуда чуқур, маҳобатли ҳайрат ичимда ўсиб-улғайди. Булар, шаксиз, уларнинг менга таъсири маъносида. Мен нимаики ёзган бўлсам, ички галаён-туғён эҳтиёжи ва даъвати билан ёзганман”, деган эди Рауф Парфи*¹ Кўринадики, юқорида қайд этилган фикрлар ҳам бунинг ёрқин тасдиғини бериб турибди. Буни қуйидаги шеърда ҳам акс этган:

Абут-Турк тарихдан балки бир ҳикмат,
Бироқ сен борсан-ку Турон элинда.
Шоир, Сўз айтмакка сен шошма фақат,
Улуғ Алишернинг қутлуғ тилинда².

Англашиладики, шоир ичдан куймоқда, унинг **“Шоир, сўз айтмакка сен шошма фақат”** бирикмасида сўз кадрилини, унинг моҳиятини, улуғлигини, юксаклигини англаб етмай туриб, хис қилмасадан олдин ўзлигини таниб, тушуниб ол деяётгандек... Чунки кунимизга келиб ахборот тўлқинлари “шовқинларига” кўмилиб кетган замондош инсон қисмати қай томондан туриб баҳоламайлик, сўзнинг кадри бироз тушиб кетаётгандек. Ахир, Рауф Парфи нима учун – исён, исёнкор бўлиб ижод қилди. Ҳалол яшади, унвону мартабалар учун эмас, соф санъату адабиётлар учун беминнат хизмат қилган эди у. Проф.Қ.Йўлдошев қайд этишича: *“Ҳар қандай ижоднинг моҳиятини унинг шахсиятидан қидирган маъқул. Негаки, ижодкор ҳамиша ўз шахсияти доирасида ва унинг даражасида мавжуд бўлади. Чунки ижод жараёни ва унинг натижасида ҳам асосан яратувчи шахснинг қирралари намоён бўлади. Рауф Парфи синчиклаб ўқилса, шоирнинг ҳамишалик норозилик руҳи сезилиб туради. У, биринчи навбатда, ўзидан норози. Негаки, шоир ўзининг нуқсонсиз одам эмаслигини билади, эзгуликлар қилгиси келади, аммо бунга имкон тополмайди”*³. Дарҳақиқат, мунаққид таъкидлаганидек, у алоҳида инсон руҳиятини, қалб кечинмаларини, ботиний безовталигини тасвирлашга интилади. Шахснинг алоҳида бир мавжудлик жумбоғини англаш йўлидаги

¹ Раҳимжонов Н. Сўз – ранглар билан суҳбат// Шарқ юлдузи №2. 2012. –Б. 156-159

² Рауф Парфи. Тавба. –Т.: “Ёзувчи”, 2000.

³ Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2006. –Б. 370.

сайъи-ҳаракатларини чизишга ўзини масъулиятли санайди. Шоир шеърларида ақллилик қилмайди, ҳақиқатни уқтиришга уринмайди, лекин инсон руҳиятига жо бўлган барча қусур ва ожизликларни, улуғлик ва тубанликларни маҳорат билан тасвирлайди. Буни қуйидаги мисраларда ҳам кўришимиз мумкин:

Имон бер руҳимга, жисмимга жон бер,
Лойимни қориштир, поклаб бер менга.
Ожиз томиримга покиза қон бор,
Равшан қил, қорамни оқлаб бер менга...¹

Рауф Парфи шеъриятида тасаввуфона фикру фалсафанинг қоришиқ ифодаси кузатилади. Шоирнинг “Нажот Аллоҳдан” эканлигини, комил инсон йўлидаги интилишлар, орзулар куни келиб ўз мевасини беражагини лирик қаҳрамон ўз юрагидан ўтказди, эзилади, тазарру қилади, тавба қилади. Қалб ва руҳият покланиши, имон бутунлигини далолатлайди. “Тавба” шеъридаги руҳий-фалсафий идрок шоир кўнглининг туб-тубларидан сизиб чиқаётган изтироб, оғриқлардир. Борлиқни, жамиятни, унинг ҳар бир аъзосини мукаммал кўриш истаги ётади унинг ҳам бир айтган сўзида. Хўш, бу мукаммаликка бани башар фарзанди эриша оладими? Мукаммал шахснинг ҳам ожиз томонлари бўлади, деган гап қанчалик ҳақиқат эканлиги аёнлашади. Рауф Парфи эстетикаси, фалсафаси мусулмон фарзандининг оламини-ю, одамни англаш эҳтиёжлари замирида шаклланди, дейиш ҳам мумкин. У ҳеч қачон бировга ёмонликни раво кўрмайди. Балки ўзини бурчли санайди. Янги давр шеъриятида ҳам Рауф Парфи ўзининг ўктам овози, жаҳоннинг манаман деган буюк дарғалари билан бўйлаша оладиган ижод, адабиёт яратиб қолдирганини исботлаб турибди. Негаки, унинг ижоди ҳали тадқиқотчилар томонидан тўлалигича ўрганилиб бўлгани ҳам йўқ. Рауф Парфининг ижодини ўрганиш палласи энди бошлангани айни ҳақиқат. Унинг ижоди шу чокқача тўла-тўқис баҳосини олиб улгурди дейишдан йироқмиз. Негаки, ижод ҳаракатдаги жараён экан, уни тадқиқ қилиш ҳам галдаги вазифалардан бири бўлиб қолаверади. Зеро, **“Фалакка санчилиб қолган кўзим бор, Оловлар, чаманлар ичра ўзим бор”** деган иқрори улуғ ва ҳассос шоирнинг руҳиятни тўла-тўқис ифодаламакда эмасми? Шундай экан, адабиёт яратган, ўзининг онгли ҳаёти ижодини олам ва одам бахти-саодати учун бахшида этган, дарвешона яшаб, қалам тебратган беназир сиймонинг фалсафага йўғирилган ҳар бир сатри ҳали ўз қадрини йўқотмайди, ўсиб келаётган ёш авлодга озод ва эзгу сўзлардан сабоқ беришда давом этавериши тайин.

Мустақил таълим топшириқлари

1. Рауф Парфининг сонетлари жанр қонуниятларини ўрганинг ва тадқиқ қилинг?
2. Шоир лирикасидаг ишқ тушунчасини изоҳланг?
3. Шоирнинг таржимонлик фаолияти ҳақида маълумот беринг?

¹ Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2006. –Б. 377.

4. Шоир ижодида “Туркистон” мавзусининг моҳиятини таҳлил қилинг?
5. Рауф Парфи ижодини ўрганган ўзбек олимларидан кимларни биласиз?
6. Рауф Парфи лирикасида фалсафий-эстетик қиррларга аниқлик киритинг?
7. Шоир нима учун кўпроқ инсон руҳиятни тасвирлашга урғу беринг?

3- МАВЗУ

Шавкат Раҳмон лирикасида ватан мадҳи

Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 70-80 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Кириш: визуал маъруза
Маъруза машғулотининг режаси:	1. Шоир ҳаёти ва ижоди; 2. Ватан мавзусига оид шеърлар таҳлили; 3. Таржимонлик фаолияти: Шавкат Раҳмон ва Федерико Гарсиа Лорка;
Ўқув машғулотининг мақсади: “Ҳозирги адабий жараён” фани предмети ва билиш усуллари, тадрижий тамойиллари, бошқа фанлар билан алоқаси тўғрисида билим ва кўникмаларни шакллантириш.	
Педагогик вазифалар: - фан ва мавзу бўйича асрий тушунчалар билан таништириш, фан предмети тушунтириш; - адабий жараённинг шаклланишида муҳим ўрин тутадиган намоёндалар билан таништириш; - шоир шеъриятнинг ўзига хос хусусиятларини тушунтириш; - шеърий асарларнинг бетакрорлиги, фалсафий-эстетик қирраларинининг моҳияти билан таништириш;	Талабанинг вазифалари: - мавзуга оид тушунчаларини баён қилади; - Ш.Раҳмон ижодини ўрганишининг мақсад ва вазифаларига аниқлик киритади; - шеъриятда ватан, миллат орзу-аппонлари акс эттирилган жиҳатларга эътибор қаратади; - ушуб мавзунинг бошқа фанлар билан алоқаси ва улар ичида тутган ўрнини тавсифлайди;
Ўқитиш услуби ва техникаси	Визуал маъруза, баён қилиш, “ҳа-йўқ” техникаси
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, проектор, тарқатма материаллар, органайзерлар.
Ўқитиш шакли	Жамоа, жуфтликда ишлаш
Ўқитиш шароити	127 - аудитория

1-маъруза машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар, вакти	Фаолият мазмуни	
1-босқич	Педагог	Талаба
I-босқич. Кириш. 10 дақиқа	1.1. Мавзу, унинг мақсади, ўқув машғулотида кутилаётган натижалар маълум қилинади.	1.1. Эшитади, ёзиб олади
2-босқич. Асосий қисм. 60 дақиқа.	2.1. Талабалар эътиборини жалб этиш ва билим даражаларини аниқлаш учун тезкор савол-жавоб ўтказилади. - Ш.Раҳмон ҳаёти ва ижодига дахлдор маълумотларни айтиш; - шоир ижодини ўрганиш амалиётида қандай аҳамияти борлигини айтиш; 2.1. Ўқитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда маърузани баён этишда давом этади. Шоир ижодининг шаклланиши, адабий жараённинг ривожланиш қонуниятларини, фан билан боғлиқ асосий тушунчаларни шарҳлайди. 2.3. Адабий жараён курсининг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган олимлар ҳақидаги тақдиротни намойиш қилади; - фан нимани ўрганади деб ўйлайсиз? - бошқа фанлар билан алоқаси нимада кўринади? - фаннинг аҳамияти нималарда ифодаланади? каби саволлар билан фаннинг предметини тушунтиради.	2.1. Эшитади, саволларга навбат билан жавоб беради; - Ўйлайди, бўлимларни кетма- кетликда санайди; - фарқли жиҳатларни қиёсий таҳлил қилди; - бир-бирининг жавобларини тўлдиради; - 2.2. схема ва жадваллар мазмунини муҳокама қилади; - саволлар бериб, асосий жойларни ёзиб олади; 2.3. Ёзиб олади ва эслаб қолади; - саволларга мисоллар асосида жавоб беради; - маълумот ва таърифларни ёзиб олади;
3-босқич. Якуний қисм. 10 дақиқа.	3.1. мавзуга яқин ясади ва талабалар эътиборини асосий тушунча ва масалаларга қаратади. Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради, мустақил иш учун вазифа беради.	3.1. Эшитади, аниқлаштиради. 3.2. Топшириқларни ёзиб олади.

2. Шавкат Раҳмон ҳаёти ва ижоди

*Жойлашгансан шунчалар чуқур...
Ўз тубига яширган юрак.
Сенга етиб бормоқлик учун,
Узун умрим етмаса керак.*

Шавкат Раҳмон.

Истеъдодли шоир Шавкат Раҳмон 1950 йилнинг 12 сентябрида Ўш вилоятининг Қорасув туманига қарашли Помир маҳалласида хизматчи оиласида туғилган. 1966 йилда ўрта мактабни тугатгач, қурилишларда, вилоят босмахонаси ва газетасида ишлайди. 1973 йилда Москвадаги М. Горкий номидаги Адабиёт институтини битиргач, Тошкентга кўчиб келиб, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир ва бўлим бошлиғи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида масъул ходим бўлиб ишлайди. У шоир сифатида ўзининг такрорланмас овози билан тенгдошларидан ажралиб турарди. У узоқ давом этган оғир хасталикдан кейин 1996 йил кузида оламдан ўтди. Шоирнинг дастлабки шеърлари Ўш вилоят газеталарида босилади.

Шавкат Раҳмон шеърляти 80-йилларда ўзбек адабиётида кучли оқимни ташкил этган лирик-фалсафий, исёнкорлик руҳидаги асарлар сирасига киради.

Биринчи шеърй тўплами «Рангли лаҳзалар» (1978). Шоирнинг «Юрак кирралари» (1981), «Очиқ кунлар» (1983), «Гуллаетган тош» (1984), «Уйғоқ тоғлар» (1986), «Хулво» (1988) каби бир қатор шеърй тўплamlари босилиб чиқади.

Шавкат Раҳмон шеърляти 80-йилларда ўзбек адабиётида кучли оқимни ташкил этган лирик-фалсафий, исёнкорлик руҳидаги асарлар сирасига киради.

3. Шоир лирикасида Ватан мавзуси

XX асрнинг 70-80 йилларига келиб шеърлятимизда янгиланиш тамойиллари кўзга ташлана бошланди. Бу сафда ўзининг бетакрор ижоди билан ўрин тутадиган шоирларимиздан бири Шавкат Раҳмонни алоҳида таъкидлаш мумкин. Шоир ижодини ўзига тенгдош авлодлари ва давр қамровида тадқиқ қилиш нафақат бир индивид шахс, балки XX аср ўзбек шеърляти 70–80-йиллар авлоди ижодининг умумий мундарижаси, услубий-шаклий изланишлар хусусида тўлалигича хабардор бўлишда, муҳим илмий-назарий хулосалар чиқаришга имкон яратади. Истеъдод шундай ноёб хилқатки, у барчага бирдек ўз чехрасини очавермайди. Лекин шундай ижодкорлар борки, бутун ижодий дунёсини – истеъдод ва омад пардалари билан беэмоқдан ўзларини тия биладилар. Шеърлят улар учун Яратганнинг назаргоҳи, сирлару мавжудлик жумбоғини англаш учун борлиқ ва йўқликдир. Истеъдод мавжуд анъаналарни қабул қилади, янгилайди, бойитади, ўзлигини намоён этиб, келажак авлод учун етказди

ҳам. Шу боисдан, бадиий тафакурнинг мураккаб ривожланиш жараёнида авлодлараро ўз улушини қўшиш истагида ёниб-яшаётган шоирлар борлиғи намоён бўлади.

Шавкат Раҳмон яратиклари бошқа, ўзига замондош шоирлар ижодидан ажралиб туришида бир ажиб сир ва қонуният борга ўхшайди. Буни қуйидагича шаклга ажратиш мақсадга мувофиқ:

- 1) шоир лирикасида ватан мавзуси алоҳида бир ОЛАМ эканлиги;
- 2) миллатнинг асл қиёфаси, фарзандлар орзуси, бахти ва саодатига олиб боровчи йўлларнинг шоирона ифода этилиши;
- 3) майда, маиший мавзулардан жуда баландда туриб юксак ғояларни тарғиб қилганида;
- 4) сўз масъулиятини ҳис этиш, ҳар бир жумла, сатрга умуминсоний маъно юклай олиш қобилияти;
- 5) озод ва фаравон турмушни ишташлик ва бу орзу-истаклар моҳиятида асл фарзандлар жасорати, аждодларнинг ибратли ҳаёти акс этганлигида қабариб кўринади.

Шоирнинг кўплаб шеърларида ватан мавзуси етакчилик қилади.

Борми эр йигитлар,
борми эр қизлар,
борми гул бағрингда жўмард лолалар,
борми бул туфроқда ўзлигин излаб,
осмону фалакка етган болалар.
бор бўлса
аларга еткариб қўйинг,
бир бошга бир ўлим демаган эрмас,
шаҳидлар ўлмайди бир қараб туйинг:
ёвга терс қараган мусулмон эмас,
ёвга терс қараган мусулмон эмас,
ёвга терс қараган мусулмон эмас,
ёвга терс қараган мусулмон эмас,
ёвга терс қараган мусулмон эмас¹,

Шеърдаги – оҳанг, изтироб ва дард ўқувчини ўйлашга ундайди. Негаки, XX асрнинг тонготарида буюк адибу шоирлар эрк ва озодлик, юрт мустақиллиги йўлида жонфидолик қилганлари учун ноҳақ айбловлар билан “халқ душмани” айлантирилди, йўқ қилинди... Буни теран ҳис қилган шоир “ўлдир ичингдаги хоинни ўлдир” деб бежиз ёзмаган эди. Шоир шеърларининг ватан ҳақида битилганлари мавзу кўлами билан эмас, балки ифода хусусиятлари ўзига хослиги билан ҳам китобхон қалбига тез етиб боради. Унинг чин туйғулари энг мувофиқ, энг таъсирли ифодавий шакллари намоён этади. **“Сендан-да, улугроқ нарса йўқлигин, сочим оқарганда англадим, Ватан!”** сатрлари ҳам ўз тасдиғини бериб турибди. У бир умр ватан ҳақида ёниб-қуйиб яшади. Ўзи шионч билан айтганидек, **“Мен йигирма беш йиллик ижодий фаолиятим давомида, Ватанимга, бир**

¹ Раҳмон Ш. Сайланма. –Т.: “Шарқ”, 1997. –Б.

ижодкор сифатида ўз меҳримни, бурчимни, вазифамни, масъулиятим нима эканлигини ҳис қилдим, бажардим, бир инсон қиладиган юрт ҳақидаги буюк ишларни баҳоли қудрат амалга оширдим. Чунки ҳар бир ижодкор ўз қиёфасига, ўрнига эга бўлиши керак. Мен эса ўз ўрним ва қиёфамга эга бўлдим деб, комил ишонч билан айта оламан”¹ деган эди. Ўзини ҳурмат қилган ижодкорки бор, ватанини ҳам шунчалик севиб яшашини бот-бот таъкидлаётгандек ушбу мисоаларда ҳам:

Ғам сўзин элимдан аввалроқ айтдим,
бахт сўзин айтаман,
элдан кейинроқ².

Шоир одамзоднинг ҳозирги одамийлик даражаси билан келишмай яшади. У шеърларида эзгулик ва ёвузликнинг инсон тийнатида зоҳир бўлиши, келиша олмаслик қирралари, тасдиқ ва инкор тушунчаларининг абадий курашини кўрамиз. Шеър – қийноқлар эвазига яралади, деганди шоир ўз суҳбатларининг бирида. Чинакам шеър ана шундай баланд пардаларда янграшини шоир ижодий олами мисолида иқроор бўлмоқдамиз. Биз кўниккан, анъанавий вазн, қофия, шаклий кўринишлардан тамомила ўзига хос йўналишда ижод қилган эди у. Бунда миллат дарди ва орзу-умидлари юксак мақомга кўтарилиб, жозибали, сирли, сеҳрли тарзда намоён бўлганлиги айна ҳақиқатдир.

Унинг буюклиги сўзга, биргина БУЮК деган таърифларга сифмайди. Ўзи айтгандик, «бахт – чексизлик» экан, буюк шоирнинг истеъдоди ҳам чексиздир, дегим келади. «Сайланма» асарининг 293 саҳифасида номи бош ҳарфлар билан битилган «КАТТА КУН» шеъри бор. Шеър шундай бошланади:

Бу қандай кун ўзи,
қандай кун ўзи,
ҳаттоки, мушуклар, итлар ишшайди.
сохта қаҳрамонлар кетдилар тўзиб,
ёлғон даҳоларнинг оғзи қийшайди.
Элнинг бошиман деб юрган касларда
бош ўзи йўқлиги ҳўб бўлди аён.

Шубҳасиз бу шеър шоирнинг ўттиз ёшларида, яъни Ватанимиз узок йиллар соғиниб кутган «Мустақилликка эришиш остонасида» битган шеъри бўлиши табиий. Негаки, «сохта қаҳрамонлару», «ёлғон даҳолар»нинг ҳақиқий, асл башараси фoš бўлишидан дарак бермоқда шоир. «Элнинг бошиман» деганларда – бошнинг ўзидан асар ҳам йўқлигини шоир нигоҳи, қалб кўзи билан кўргани, ҳис этганлиги алам ва ғамгин шодлиги тилига кўчади. «Бу қандай кун ўзи» дея борлиқдан, виждонни бут зотдан сўрайди. Бу сўраш шунчаки сўраш эмас, у жуда яхши биладики, ҳасратдошининг қулоғига шивирлайди: «Қандай кунлигини била олдингми?», деб. Шавкат Раҳмон миллатнинг, ватаннинг тоза

¹ Шавкат Раҳмон. Хужжатли фильм. –Т.: “Ўзбекистон”, 2004.

² Кўрсатилган адабиёт, -Б. 89

виждонли шахси – шоир бўлишини, у чинакам истеъдодини изҳор этаётган экан, пок ва тоза иймон билан ҳалол ижод қилиши зарурлигини таъкидлайди. Лекин бу таъкидлар фақат Шавкат Раҳмоннинг ўзида қолди. У шундай виждон эгаси мақомида баланд ижод қилди. Шеърнинг кейинги бандига кулоқ тутайлик:

Покиза кўринган не-не дастлардан
паррон бир ёғдуда ёлқинланди қон.
Бу қандай кун ўзи,
қандай кун ўзи,
жой-жойига кўяр ҳамма нарсани,
қай бир мунофиқнинг ўйнатиб кўзин,
бир неча юзига тортар тарсаки.

Фариштадек хизмат қилганларнинг ҳам – борлиғидаги қон ташқарига сизиб чиқиб, ёғдудек сачраб, «вайрона»га айланганига ишора қилади. Ишораки, «ҳамма нарса», жумладан, оқибат ва виждон, диёнат ва садоқат каби ўлмас инсоний фазилатлар ўз ўрнида туришини кузатади. Гувоҳ бўлади. Уни яна қисматдошидан юкиниб сўрайди: «Қандай кун ўзи?»

Шеър сатрдан-сатрга теранлашиб, ўқувчи қалбидаги – оҳангга жуда мос тушади. Йўқ, бошқача айтганда, шоирнинг қалб нидолари китобхонни ўзига маҳлиё этганича изидан эргаштиради, бир жавоб талаб қилмайдиган иборанинг моҳиятини англатмоқ учун «қандай кун ўзи» деган ҳайқириғи билан қалбимизга муқим сингиб кетади. Аслида ҳам шундай эмасми? Шоир – Худонинг қалибга солиб қўйган чин сўзларинигина ёзиш, энг БУЮК бурчи эканлигига иқдор бўлади ва:

Чека-чеккаларда қилганча ғийбат,
ишратни омор деб билган ўйсизлар
қўймижоз бу элнинг тили йўқ дерди,
оғзингни оч элим,
кўриб қўйсинлар.

Шоирнинг – исёни чин! Унда бутун миллат орзулари-ю, армонлари, дилидаги пинҳон сақлаган эзгу сўзлари-ю, ҳаяжонларидан сўз очади Шавкат Раҳмоннинг лирик қаҳрамони. «Оғзингни оч элим» нидоси, Ватан, шу эл, Муқаддас ОНА тупроқ учун тинимсиз ва тинмисиз кураш» деган кескир иқдорномасини айтади шоир. Шеърдаги бир маромдаги – руҳоний кайфият кетма-кетлиги, мусиқийлиги, оҳанграболиги зукко шеърхоннинг борлигини вулқондек титратади. Булар кейинги сатрларда ҳам жуда юксакликка кўтарилади:

Филодим бу куннинг сасин эшитиб,
Соҳталар зириллар – паноҳ топилмас.
Нархи кўтарилар сичқон тешигин,
Ҳайратдан оғизлар энди ёпилмас.

Келтирилган сатрлардаги – ошкор этилган «мунофиқларнинг» асл юзини кўрган шоир ҳеч иккиланишсиз ҳайратланади. Бу ҳайрат «қандай кун ўзи» деган аламли саволга муносиб жавоб бўлиб майдонга чиқади.

Ўзларининг айбини яшириш мақсадида – сичқон инига бошларини урадилар. Пана-панларга ўтиб, бошсиз гавдаларини кўринтирмасликка шошиладирлар. Булар ким эди шоир ўйида? Миллатни «курт» каби еб битираёзган иккиюзламачи, фирибгар, сотқин ва хоинлар эди. Негадир менга шундай туюлмоқда. Шеърнинг интиҳосини ўқиганингизда Сиз қандай фалсафа ахтарасиз билмадимۇ лекин мен буни шундай эътироф этгим келади:

Эй, дилим,
дунёдан озурда бўлма,
келажак кунларга ишонмоқ хўбдир.
Битта катта кунни кўрдинг ҳозирча,
бу элнинг каттакон кунлари кўпдир.

Баъзан шоирни умидсизликни кўпроқ куйлаган, барча мақсадларни умидсизликнинг ичига олиб кирган деган «асоссиз» гап-сўзлар юради айрим зиёлилар тилида. Лекин масалага бошқача ёндошмоқ керак. Хўш, қандай дедингизми? Унда эшитинг: шоирни ҳаддан зиёд – умидсизликни куйлаган деган «уйдирма»га ишониш керакми? Йўқ деган нидо келади ичкаридан. Сабабки, «дунёдан озурда бўлма» деб ўзини-ю, ўзгаларни, борингки, сизу бизни ёруғ кунларга, умидларга, нурли келажакка чорлаган шоир Шавкат Раҳмон эмасми? «Битта катта кунни кўрдинг ҳозирча», дея Мустақиллик қўлга киритилган илк кунларни, БУЮК орзуси ушалганини баралла, тўлишиб, ҳаяжонда айтмаяптими? «Бу элнинг каттакон кунлари кўб»лигига ишонган ва бошқаларни ҳам шунга чақирган Шавкат Раҳмон, Ўзбекистонимизнинг бугунги қиёфаси ва нуфузини, одамларнинг тинч-тотув, бирдамликда, бағрикенг элнинг бахту саодатини кўрганидек, чин дилидан башорат қилмаяптими? Афсуски, шоирнинг «қисқа умри» етмади бу кунларни кўришга (бу ўринди сўнгги ўн йиллардаги бунёдкорлик, ватанимизнинг тинч ва тотув, осайишта турмуш тарзи назарда тутиляпти!). Лекин ижодида, адабиётимизда – умри узоқ, ҳалол ва виждонли, буюк шахс бўлиб қолди.

ФЕДЕРИКО ГАРСИА ЛОРКА ВА ШАВКАТ РАҲМОН

Андалусия маданияти шарқу гарбнинг энг гўзал фазилатларини эмиб улғайган, испаниянинг жаҳонга машҳур сиймоларини эмизиб улғайтирган бир маданиятдир. Андалусиянинг мана шундай ёруғ юзли сиймоларидан, ҳаёт ва мамот оралигида ярадор қушдай потирлаган руҳ сувратларидан иборат асарларини бадиий ижод саҳнасида бир даста гулдай отган Федерико Гарсиа Лоркадир.

Шавкат РАҲМОН.

“Биласизми, Хурийд, нима учун мен Лоркани севаман, - деган эди Шавкат Раҳмон Сулаймон тоғининг тепасида, оқшом қўйнига чўкаётган

Ўшни томоша қилиб, суҳбатлашиб ўтирганимизда, - Унинг шеърляти мени ватан ва миллатни севишига ўргатди.

- Нима олдин ватанни севмаганмисиз? – сўрадим мен.

Шавкат жилмайди. Тугай деб қолган сигаретаси тутунини ичига чуқур тортди-да, давом этди - Лоркага ўхшаб, озодлик учун ўлиш қўлимиздан келадими? Унинг илк шеърларидаёқ ватан озодлиги учун ўлмоқни тақдир деб билган инсонни кўраман. Лорка 20 ёшида ватанини кезиб улгурган эди. Унинг 20 ёшида Кастилия бўйлаб қилган сафари ҳақида нашр этилган биринчи китоби Испанияга бўлган буюк муҳаббатининг тимсоли. Бу сафарда у қанақадир умумий бир миллат эмас, ўзи кўрган,суҳбатлашган одамлари ҳақида ёзишни англади, бу одамларнинг ҳар бирини чин юракдан севишини тушунди. Тушунди –ю, шеъри ўзгарди. Мана шу аниқ билган, таниган оддий одамларга бўлган муҳаббати Ватанга бўлган улкан муҳаббатга айланди...”

Хурийд ДАВРОН.

XX жаҳон шеърлятининг етук намоёндаларидан бири Федерико Гарсиа Лорка 1898 йили Гранада яқинидаги Фуэнте Вакерос қишлоғида туғилди. Бошланғич маълумотни Аскеросу қишлоғида, кейинчалик Гранадада олди. 1914 йили Гарсиа Лорка Гранада университетининг адабиёт, фалсафа ва ҳуқуқ факультетига ўқишга кирди. Унинг илк насрий китоби “Таассуротлар ва лавҳалар” 1918 йилда, 1921 йилда эса илк “Шеърлар китоби” чиқди. Шунингдек, “Канте хондо ҳақида шеърлар” (1921), “Илк кўшиқлар” (1921-1924), “Лўли романсероси” (1924-1927), “Шоир Нью-Йоркда”(1929-1930), “Игнасьо Санчес Мехиас азаси”(1935), “Тамарит девони”(1936), “Турли йиллар шеърлари” каби шеърый асарлари ва “Марьяна Пинеда”, “Ғаройиб этикдўз хотин”, “Дон Перлимпин ишқи”, “Беш йилдан кейин”, “Қонли тўй” сингари драмалари, шеърый трагедиялари билан жаҳонга машҳур бўлди, ҳамда испан адабиётига катта ҳисса қўшди. Гарсиа Лорканинг ўлмас асарлари шу кунга қадар дунё тилларига қайта-қайта таржима қилинмоқда.

Шавкат Раҳмон ўз хотираларида ёзишича, Лорка ижодига маҳлиёлик унинг Москвада ўқиб юрган кезларида диққатини тортган. 1979 йилда рус тили орқали Лорканинг “Сайланма”сини таржима қилиб, китоб шаклида чоп қилдиради. У биринчилардан бўлиб, Лорка ижодини ўзбек ўқувчиларига таништиришга муваффақ бўлади. Орадан ўн йилча вақт ўтиб, рус тилидаги таржимадан кўнгли тўлмайди. 1986 йили бир гуруҳ ўзбек шоир ва адиблари Испанияга халқаро анжуманга бориб, ўз маърузалари билан қатнашишади. Шавкат Раҳмон кўнглидаги олий орзуларидан бири Лорканинг ватанини кўриш, унинг асарларини қачонлардир аслиятдан ўзбек тилига таржима қилиш истаги рўёбга чиқа бошлайди. Бу ҳақда шоир шундай ёзади: “Бундан ўн йил аввал дастлабки таржималарим “Сайланма” номи билан нашр этилган мен учун нечоғли қувончли бўлганини айтмай қўя қолай. Аммо бу қувончнинг умри қисқа экан. Тез орада, ўйлаб қарасам, Лорканимас, Лорканинг таржимонларини

таржима қилганим аёнлашди. Рус мутаржимлари, шубҳасиз, энг сўнги имкониятларини ишлатиб меҳнат қилган бўлсаларам, Лорка шеърларининг асл қиёфасини кўтариш иштиёқида ёнавердим. Кейинчалик етти-саккиз ой испан тилидан дарс олдим, анча пайт мустақил шуғулландим, испан тилининг табиатига бир оз кўникканимдан кейингина лугат ёрдамида таржима қила бошладим. Бир неча йилга чўзилган бу иш давомида Лорканинг москвалик таржимонларидан Анатолий Гелескул, Павел Грушко, Наталья Малиновская, испанишунослардан Людмила Синянская, Юрий Грейдингар билан дўстлашдимки, бу хайрихоҳ кишиларнинг кўмаклари бир умр ёдимда”¹. Дарҳақиқат, Ш.Раҳмоннинг аслиятдан қилган таржимаси билан рус тилидан ўгирган вариантида анчайин жиддий тафовут бор. Негаки, шеърнинг руҳиятини, шоир кайфиятини аслият даражасида бериш бу ҳазилакам гап эмас, албатта! Маҳлиёлик ва ҳамиша нимагадир эҳтиёж шоир қабини бир умр тарк этмаганлиги чин. У Лорканинг улкан ва бедор қалбига – ижодига яқинлашаркан, Лоркани ўзбек китобхонига ўзига хос тарзда таништиради. Шоирнинг изтироблари, озодлик ва эрк хусусидаги тизгинсиз мушоҳадалари доимо унга олам завқ ва шижоат бериб тургани бор гап. Чунки лоркадек улкан дарёқалб шоир – Шавкат Раҳмондек бетакрор туйғулар эгасини маҳлиё қилишда ҳам қандайдир сир, яширин бир ҳақиқат борга ўхшайди. Қуйидаги шеър эса рус тилидан ўгирилган:

Из қолдирмай
Учиб кетар март.

Аммо январь самода абад.

Январь –
юлдузларинг асрий бўрони.

Март лаҳзалик соядир фақат.

Январ.
Самодай, қари кўзларимда.

Март.
Менинг навқирон қўлларимда¹.

Бу шеър Лорканинг “Сайланма” асаридан олинган. Ш.Раҳмон уни “Нақорат” номи остида таржима қилади. Кейинчалик испан тилидан таржима қилинган вариантида тамомила бошқача кўринишда намоён бўлади. Яъни аслиятдан қилинган таржима аниқ ва равшан, жозибали бўлиб чиққан дейиш мумкин:

Учиб ўтар из қолдирмай март.

¹ Раҳмон Ш. Федрико Гарсиа Лорка. –Т.: “Адабиёт ва санъат”. 1989. –Б. 7-8.

¹ Лорка Ф.Г. Сайланма. –Т.: “Адабиёт ва санъат”. 1979. –Б.63.

Январ эса юксакда фақат.

Январь,
осмон тунин ахтарар.

Март-чи, пастда лаҳзалик шарпа.

Январь.
Қари кўзларим учун.

Март.
Тирик кўзларим учун¹.

Таржима аслиятдан ўгирилган. Бу шеър “Қайтарма” деб номланади. Шоир кўнглига яқин жиҳатларнинг ўзига хос қирраларини, лоркаона кайфиятни, бутун шеър руҳини яхлит манзаралаштира олган. Январь ва март ойларига, яъни фаслга сифат бериларкан, бир муҳим жиҳат кишнинг эътиборини тортади. “тирик кўз” ва “қари кўз” бирикмалари инсоният интиҳоси ва ибтидосини ёдга солаётгани аёнлашади. Бинобарин, аниқ ва дардчил туйғулар реализми китобхонни ўйлашга, фикрлашга ва ундан мантиқий хулоса чиқаришга ундайди.

Умуман, Гарсиа Лорка ва Шавкат Раҳмон бетакрор туйғулар куйчиси. Ҳар қанақасига олиб кўрмайлик, иккита буюк шоирнинг “дилнома”ларида ҳам миллат ва юрт келажаги, озодлиги йўлидаги интилишлари, инсон бахти ва саодати хусусида теран фалсафий мушоҳадалари юксак, баланд пардаларда идрок этилгани аёнлашади. Лорка испан халқининг ноёб истеъдод эгаси бўлса, Шавкат Раҳмон ўзбек халқининг севимли ва такрорланмас шаши бўлиб қолаверади, дегим келади.

4- МАВЗУ

Усмон Азим – “йирик туйғулар куйчиси”

Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 70-80 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Кириш: визуал маъруза
Маъруза машғулотининг режаси:	1. Шоир ҳаёти ва ижоди; 2. Шоир ижодида фольклор анъаналар; 3. Шоир ижодида куз тимсоли
Ўқув машғулотининг мақсади: “Ҳозирги адабий жараён” фани предмети ва билиш усуллари, тадрийжий тамойиллари, бошқа фанлар билан алоқаси тўғрисида билим ва кўникмаларни шакллантириш.	

¹ Лорка Ф.Г. Энг қайғули шодлик. –Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1989. –Б.132.

Педагогик вазифалар: - фан ва мавзу бўйича асосий тушунчалар билан таништириш, фан предметини тушунтириш; - адабий жараённинг шаклланишида муҳим ўрин тутадиган намоёндалар билан таништириш; - адабий жараён фанининг бир узви саналган шеъриятнинг ўзига хос хусусиятларини тушунтириш; - шеърий асарларнинг бетакрорлиги, фалсафий-эстетик қирраларинининг моҳияти билан таништириш;	Талабанинг вазифалари: - шоир шеърларида етакчи мавзунини изоҳлайди; - шакл ва услуб тушунчаларига изоҳ беради; - модерн хилдаги шеърларинини тадқиқ қилади; - шеърий асарларинини атрофлича ўрганади; - бошқа фанлар билан алоқаси ва улар ичида тутган ўрнини тавсифлайди;
Ўқитиш услуби ва техникаси	Визуал маъруза, баён қилиш, “ҳа-йўқ” техникаси
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, проектор, тарқатма материаллар, органайзерлар.
Ўқитиш шакли	Жамоа, жуфтликда ишлаш
Ўқитиш шароити	127 - аудитория

1-маъруза машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
1-босқич	Педагог	Талаба
1-босқич. Кириш. 10 дақиқа	1.1. Мавзу, унинг мақсади, ўқув машғулотида кутилаётган натижалар маълум қилинади.	1.1. Эшитади, ёзиб олади
2-босқич. Асосий қисм. 60 дақиқа.	2.1. Талабалар эътиборини жалб этиш ва билим даражаларини аниқлаш учун тезкор савол-жавоб ўтказилади. - шоир ижодини ўрганишнинг мақсад ва вазифаларини айтиш; - шоир ижодини ўрганиш амалиётда қандай аҳамияти борлигини айтиш; 2.1. Ўқитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда маърузани баён этишда давом этади. Фаннинг шаклланиши, адабий жараённинг ривожланиш қонуниятларини, фан билан боғлиқ асосий тушунчаларни шарҳлайди. 2.3. Адабий жараён курсининг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган олимлар ҳақидаги тақдиротни намоён қилади; - шоир кўпроқ қандай фаслига урғу берганлигини изоҳланг? - мавзунинг бошқа фанлар билан алоқаси нимада кўринади? - фаннинг аҳамияти нимада ифодаланади?	2.1. Эшитади, саволларга навбат билан жавоб беради; - Ўйлайди, бўлимларни кетма- кетликда санайди; - фарқли жиҳатларни қиёсий таҳлил қилди; - бир-бирининг жавобларини тўлдиради; - 2.2. схема ва жадваллар мазмунини муҳокама қилади;

	каби саволлар билан фаннинг предметини тушунтиради.	- саволлар бериб, асосий жойларни ёзиб олади; 2.3. Ёзиб олади ва эслаб қолади; - саволларга мисоллар асосида жавоб беради; - маълумот ва таърифларни ёзиб олади;
3-босқич. Якуний қисм. 10 дақиқа.	3.1. мавзуга якун ясайди ва талабалар эътиборини асосий тушунча ва масалаларга қаратади. Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради, мустақил иш учун вазифа беради.	3.1. Эшитади, аниқлаштиради. 3.2. Топшириқларни ёзиб олади.

Усмон Азим

Янгиланаётган ўзбек шеърлятида ўзига хос йўналишга эга Усмон Азим - шоир, драматург, кинодраматург ва носир сифатида ҳам ижод қилади. Усмон Азим яратган ўнлаб тўпламларга кирган шеърлар, дostonлар ёрқин туйғуларга, ифодаларга бойлиги, жўшқин ва жозибадорлиги, шиддаткор ва даъваткорлиги, гоҳ ғамгин, гоҳ беғубор эркаловчи оҳанглари билан китобхон қалбидан чуқур жой олади. Шу билан бирга ҳаётийлиги, ўткир драматизми ва фожиавийлиги билан ўқувчини ҳаяжонга солади, уйқудаги туйғуларини жунбушга келтиради. Усмон Азимов Ўзбекистон халқ шоири унвонига эга, "Офарин", Грузиянинг "В.Маяковский" номидаги давлат мукофотлари лауреати.

Усмон Азим 1950 йил 13 августда Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида туғилган. 1972 йилда Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тугатган. Даставвал журналист сифатида турли газета-журналлар ва нашриётларда ҳамда республика радиосида ишлаган.

Маълум вақт Республика Президенти Девонида Давлат маслаҳатчиси (ёшлар бўйича) вазифасини ҳам бажарган. Ҳозирги кунда адиб, асосан, ижод билан машғул.

Усмон Азим 1979 йилда чоп этилган «Инсонни тушуниш» илк шеърый китоби билан адабий жамоатчиликнинг эътиборини қозонган.

Усмон Азим - Ўзбекистон халқ шоири (2000) унвони, шунингдек, йилнинг энг яхши шеърый асарлари номинацияси бўйича «Офарин» мукофоти,

Грузиянинг "В.Маяковский" номидаги Давлат мукофоти (1982) га сазовор бўлган.

Миллий театримиз сахнасида қўйилган «Кундузсиз кечалар» спектакли Андижонда бўлиб ўтган халқаро театр фестивалида «Энг яхши спектакль» деган мукофотга сазовор бўлгандан сўнг унинг «Ҳолат» (1979), «Оқибат» (1980), «Кўзгу» (1983), «Сурат парчалари (1985), «Дарс» (1985), «Иккинчи апрель» (1987), «Бахшиёна» (1989), «Ғаройиб аждарҳо» (1990), «Уйғониш азоби» (1991), «Ғусса» (1994), «Узун тун» (1994), «Бор экан-да, йўқ экан» (1995) шеърий ва «Жоду» (2003) насрий тўпламлари босилди.

Шоир 1995 йилда «Сайланма» шеърий китобини нашр эттирди. Бу китоб адабиёт жамоатчилиги томонидан зўр қизиқиш билан кутиб олинди ва Усмон Азимнинг XX аср ўзбек адабиётининг энг ёрқин истеъдодларидан бири эканлиги аён бўлди. 2001 йилда нашр этилган «Куз» шеърий китоби эса шеъриятимизнинг сўнгги йиллардаги юксакликларидан бири деб баҳоланмоқда.

Усмон Азимнинг шеърлари француз, немис, инглиз, поляк, эстон, грузин, македон, литва, турк, тожик, рус, қозоқ, қирғиз ва бошқа тилларга таржима қилинган. Ўз навбатида, Усмон Азим Элюар, Доғларжа, Вознесенский, Ватсиетис, Марсинкявичус каби ўнлаб шоирларнинг ижодидан намуналарни ўзбек тилига таржима қилган. Шоирнинг кўплаб шеърлари таниқли ҳофиз ва хонандалар томонидан кўшиқ қилиб, ижро этилади.

Ижодининг илк даврида радиодраматургияда («Бахтли бўлайлик», «Хужжатли фильм учун сюжет», «Баҳодир ва малика» пьесалари) ўзини синаб кўрган шоир, кейинги йилларда драма ёза бошлади. Унинг «Кундузсиз кечалар» (1998), «Алпомишнинг қайтиши» (2000), «Бир қадам йўл» (2002), «Ўтган замон ҳангомалари» (2003), «Адибнинг умри» (2005) драмалари сахналаштирилди.

Шунингдек, «Алпомишнинг қайтиши» учун муаллиф 1999 йилнинг «Энг яхши драматурги» деб эътироф этилди. Шоир кино санъатида ҳам ўз кучини синаб кўрмоқда. «Севги» (1998) филмининг сценарийсини ўз ҳикояси асосида ёзган. Унинг сценарийси асосида икки қисмдан иборат «Алпомиш» (2000) филми суратга олинди. «Алпомиш» достонининг киноталқини учун муаллиф Бухорода ўтказилган кинофестивалда махсус мукофот олди.

Шоир лирикасида – куз тимсоли

Ўзбек шеъриятининг забардаст шоири Усмон Азим ижодида табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро зиддиятли курашларни ёрқин, ўзига хос тарзда жонли тасвир этилганининг гуовҳи бўламиз. У куз ҳақида битган аксарият шеърларига илохий бир мўъжиза сифатида қарашининг ҳам боиси шундадир. Куз – шоирнинг ўзини англаш ва тушунши йўллариининг ибтидоси. Куз – кўнглига хос оҳангни жилвалантирийдиган – борлиқ. Куз – туганмас «илҳом ва истеъдод» манбаидир. Шоир бир туркум шеърларини

кузнинг ўзига хос рангин қиёфасини, инсон туғилишидан то ўлимига қадар масофада кечадиган жараёнда, яъни ҳаёт йўлларида содир бўладиган турли хил кўнгилсизликлару беҳад қувноқликлар, ғамгинли лаҳзаларни поэтик ифода этади. Куздаги япроқларнинг шоввуллаши, тўкилиши, хазонбаргларнинг аччиқ видоси шоирга қайсидир даврда тўкилган аламли ёшлардан ҳикоя қилади. Шундай англашнинг узун йўлида ишқ хусусида куз билан ёлғиз ҳасратлашади шоир:

Севги баҳорида
Гул каби очилдинг.
Севгининг ёзида
Боғ бўлдинг кўркам.
Севгининг кузида
Сарғайганинг йўқ.
Гап шундаки,
Севгининг ёзида,
Кузида,
Қишида,
Баҳорида
Мен хазон бўлдим.

Кўринадики, бу абадий севги тараннуми! Ҳар қандай ошиқ юрагига яқинлашиб, унинг ботинидаги ҳасратини тинглаганимизда шу хилдаги, яъни баҳорда очилиб, ёзда кўркам боғ бўлиб, кузда ҳам ишқнинг оғир заҳматлари-ю, изтиробларига чидам бериб яшай олишини ҳис қилиш мумкин бўлади. “Шоир оддий ва содда мисраларда кузнинг беадоғ соғинчини чизишга эришган. Шоир майда ва кераксиз мавзуларни шеърга айлантормайди”. Аксинча, табиатнинг энг майда ва биз эътибор бергаган жиҳатларини образ таражасига кўтаради ҳамда унга мазмун бағишлайди:

Ким дединг? Мен сени танимайман, куз,
Кунларинг кунимнинг бегонасиндир.
Куз деган фасл йўқ. Боғдаги маъюс
Вақт асли баҳорнинг вайронасиндир.
Сарғайди баҳорда туғилган япроқ,
Йўл юриб, вақт кечиб тиниди анҳор.
Куз йўқ. Ўриндиқда – чорбоғда бу чоқ
Мунғайиб ўтирар қариган баҳор...

Ушбу шеърдаги лирик қаҳрамоннинг руҳий манзараси – табиатнинг сирли, сеҳрли борлиқ билан муроса қилишидан далолат беради. Кузги боғдаги ёлғизлик шоир борлиғига бир лаҳза тинчлик бермайди. У кузнинг хазонга айланган кўринишларини – баҳорнинг қариган чоғларига таққослайди. Бу эса ўз навбатида шоир ички кечинмаларининг ҳам поэтик ифодаси ўлароқ майдонга келган дейишимизга муайян даражада асос ҳам беради. Чунки шоир – «куз»дан куз излайди. Баҳорнинг қариган даврини эмас, кузнинг қиёфаси бўлишини исташлик ётади ўша мисралар қаътида.

Шоир учун куз мавзуси алоҳида бир меҳварда туришига яна муҳим сабаблардан бири шуки, кузнинг борлиғида инсон – ўтмиши ёки шу

чоққача босиб ўтган йўлини англаши, ўйлаши, хатолардан хулоса ясаб, муваффақиятларидан дилига қувонч туйиши лозимлигини китобхонга тақдим қилади. Бошқача айтганда, даъват қилади. Шунга монанд шоирнинг бедор вижони ҳам, иймони ҳам, садоқату меҳрибонлиги ҳам «Дашт ва тоғ ҳақида қисса» шеърида ва унинг қаътидаги сержило маъноларда аксланади:

Қалбимга тўкилди соғинч – хазонрез,
Жонимга етишди қаро совуқлар.
- Тоғим, умр кетмай учрашайлик тез –
Бошимда айланди қўрқинч човутлар.

Шоирнинг – соғинчи аввал-охир хазонга айланиб қолган. Шу боисдан ҳам, жонини авайлашга минг бор уринмасин, қўрқинчли човутларнинг кезиниши унда руҳий изтиробли кайфият уйғотади. Шоир тоғга нола қилади, «умр кетмай учрашайлик тез». Бундан истаганча фалсафа ахтариш мумкин. Яъни илк муҳаббатини – бир умр ардоқлаб яшаши, унга етишолмай қийноқлар ичра «ох» тортиши шоирнинг қалбининг туб-тубларида чўкиб ётган соғинч ҳиссиётлариким, бунда ўша соғинч эгасини тоғга қиёслайди. Тоғ билан тоғ учрашмаслигини, шоир жуда яхши тушунади. Тоғга қараб ботинини тимдалаётган нолаларини изҳор қилади. Бу ҳол кейинги мисраларда ўзига хос тарзда образлар турфалигида ҳам реал моҳият касб этади:

Тоғим қолган ёққа айладим нолиш,
Воҳким, дардим – баланд, нолишларим – паст...
Уфқдан мунғайиб келди бир товуш:
- Мен кетсам бир ўзи қолади-ку дашт...
Такдирдан нарига гуллар тўкилди,
Такдирнинг ичида ёнди саратон.
- Умрнинг китоби қарийб ўқилди –
Даштим, кўришайлик, тезроқ кел, бу ён!

Айтиш жоизки, шоирнинг дашт ва тоғ ҳақидаги шеърида ҳам умрнинг охирлаб қолиши – кузак бир кунда тўкилиш мумкин бўлган япроққа қиёслайди. Демак, шоирнинг англаб турган ҳаёт мавжудлик жумбоғи ҳам шунда. Бир томондан ўзининг туғилиб ўсган юртига – Бойсунтоғ тизмаларини, қиру адирларини кўришга соғинч ҳисси тобора яқинлаштиришига мантикий урғу берилса, иккинчи бир жиҳати, ўша манзараларни кўришнинг ўзига умрнинг етмай қолишини ғанимат билишлик ётади. Бошқача эътироф қилганимизда, масалан “умр китобининг ўқиб тугатилиши, тугалланган китобни қайта варақлаш учун ўзи тушунган дунёни томоша қилишликка бўлган эҳтиёж борлиги”ни сезиш унчалик қийин эмас.

Усмон Азим такрорланмас шеъриятида, такрорланмас услубий изланишларини тўла намоён эта олган ижодкордир. “Куз – шоир айтганидек, Аллоҳ билан суҳбатлашиш саодати”дир. Ундаги ҳаёт ва тириклик фалсафасини ахтариш, ҳис этиш, англаб олишлик шоирнинг юксакликларда муқим туришига етаклайди. Бундай хилма-хил образларга

бой ижодкор яратиклари нафақат шеър ихлосмандлари, балки дунёда тирик жонки бор, бир кур нигоҳ ташлаб ўқишини истайди кўнгил. Шоир лирикасида такрор ва такрор кузга мурожаат қилишнинг, кузни севишнинг, унга талпинишнинг сабаби шудир.

«Шоир тузалмас ҳақиқатпарсат» деган гап нақадар чин эканлигини 70-80 йиллар авлодига мансуб ижодкорлар изланишларида тамомила янгича руҳ ва кайфият билан намоён бўлганлигини кузатамиз. Негаки, «тузалмас»лик атрофмиздаги кунда, кунора бўлиб турадиган сохта-фириблар, кўзбўямачиликлару риёкорликларни кўриб турган ижодкорки бор, у кўнгилга инган туйғуни, яъни Худо буюрганини ёзишни мақсад қилади. Чунки ўз табиатига содиқ қолишдай энг оғир фазилат бўлмаса керак инсонда. Табиатан ожиз ва иккиланишлар олдида эсанкираб қолишлик, бу шоирларда кўпдан-кўп рўй берадиган ҳодисадир. Ахир, атрофида муғомбир ва иккиюзламачи, ношуд бандалар турганидан кейин – ижодкор нима ҳам қила оларди. Мақоламиз аввалида айтиб ўтганимиздек, «ҳақиқатпарстлик» касали шоирнинг виждонига ҳавола. Виждон дегани нимани буюрса шуни қилиш, иймони бутун ижодкорнинг иши. Шундай деймиз, баъзан ўйлаб қоласан киши. Шоир ким? Шеър нима? деган саволга минг йилдан буён жавоб ахтарилади. Баъзилар ундай деса, баъзилар бундай дейди. Лекин ҳамманинг мақсади битта. У ҳам бўлса – ҳақиқатга садоқат билан хизмат қилишида деб тушунтиришга интилади. Бошқача айтганимизда, шоир Худо билан соат сайин тиллашадиган, ҳасратлашадиган буюк ҳақиқатпарсатдир.

Усмон Азим ва Шавкат Раҳмон ижодидаги – тасвир яқинлиги, кайфият ҳаққонийлиги, чинакам истеъдод жилолари туйғу ва онг қатламларидагина эмас, мазмун-моҳият мутаносиблигида, поэтик яхлитлигида кўзга ташланади. Усмон Азим ва Шавкат Раҳмон буюк шоирлар. Уларнинг биргина буюк деган сўз билан истеъдодини кашф этиш мумкин эмас. Негаки, бундай буюкликнинг тагида – миллат орзулари акс эттирилгани ҳам чиндир. Миллат орзулари нима бўлиши мумкин деган ҳақли савол туғилиши табиий албатта. Бошқача эътироф этганда, эрк ва ватанпарварлик туйғулари ушбу икки шоирнинг ижодида қандай моҳият касб этган деган ўринли мунозарага жавоб берганимизда – ҳеч кимникига ўхшамаган, табиатига, тилидаги дилидаги бўлган, ва, шундай ўз ҳаёт шиори-ю, виждон амрига содиқ қолганлигида деб айтган бўламиз. Ростидан, миллатпарварлик шу каби масалаларни қандай қуйлаганида ва унга қандай қараганида бўртиб кўринади.

Мустақил таълим топшириқлари

1. Усмон Азимнинг ижодига хос умумий хусусиятларни таҳлил қилинг?
2. Шоир лирикасида – куз тимсолини тадқиқ қилинг?
3. Ватан мавзусини Шавкат Раҳмон ижоди билан қиёслаб ўрғанинг?
4. Муҳаббат талқинини изоҳланг?

5. *Таржимонлик фаолияти ҳақида нималарни биласиз?*
6. *Драматургия соҳасига қўган ҳисасини талқин қилинг?*
7. *Фольклор анъаналар сингдирилган шеърларини ўргандинг?*
8. *Жамият муаммолари талқин қилинган шеърлар тадқиқи?*

5- МАВЗУ

Улуғбек Ҳамдам лирикасида – кўнгил образи

Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 70-80 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Кириш: визуал маъруза
Маъруза машғулотининг режаси:	1. Шоир таржимаи ҳоли; 2. Кўнгил борази ифодаси; 3. Таржимонлик фаолияти
Ўқув машғулотининг мақсади: “Ҳозирги адабий жараён” фани предмети ва билиш усуллари, тадрижий тамойиллари, бошқа фанлар билан алоқаси тўғрисида билим ва кўникмаларни шакллантириш.	
Педагогик вазифалар: - фан ва мавзу бўйича асрий тушунчалар билан таништириш, фан предмети тушунтириш; - адабий жараённинг шаклланишида муҳим ўрин тутадиган намоёндалар билан таништириш; - адабий жараён фанининг бир узви саналган шеърининг ўзига хос хусусиятларини тушунтириш; - шеърини асарларнинг бетакдорлиги, фалсафий-эстетик қирраларинининг моҳияти билан таништириш;	Талабанинг вазифалари: - мавзунинг предмети изохлайди; - шакл ва услуб тушунчаларига изох беради; - модернизм ҳодисасининг таракқиёт томонларига аниқлик киритади; - шеърини рамзийлик тушунчасини баҳолайди; - бошқа фанлар билан алоқаси ва улар ичида тутган ўрнини тавсифлайди;
Ўқитиш услуби ва техникаси	Визуал маъруза, баён қилиш, “ҳа-йўқ” техникаси
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, проектор, тарқатма материаллар, органайзерлар.
Ўқитиш шакли	Жамоа, жуфтликда ишлаш
Ўқитиш шароити	127 - аудитория

1-маъруза машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
1-босқич	Педагог	Талаба
1-босқич. Кириш. 10 дақиқа	1.1. Мавзу, унинг мақсади, ўқув машғулотида кутилаётган натижалар маълум қилинади.	1.1. Эшитади, ёзиб олади
2-босқич.	2.1. Талабалар эътиборини жалб этиш ва билим	2.1. Эшитади,

Асосий қисм. 60 дақиқа.	даражаларини аниқлаш учун тезкор савол-жавоб ўтказди. - Ушбу мавзунинг ўрганишнинг мақсад ва вазифаларини айтиш; - шоир ижодини ўрганиш амалиётида қандай аҳамияти борлигини айтиш; 2.1. Ўқитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда маърузани баён этишда давом этади. Фаннинг шаклланиши, адабий жараённинг ривожланиш қонуниятларини, фан билан боғлиқ асосий тушунчаларни шарҳлайди. 2.3. Адабий жараён курсининг ривожланишига ўз хиссасини қўшиб келатган олимлар ҳақидаги тақдиротни намойиш қилади; - шоир нима учун кўнгилга алоҳида меҳвар сифатида қарайди? - мавзунинг бошқа фанлар билан алоқаси нимада кўринади? - фаннинг аҳамияти нималарда ифодаланади? каби саволлар билан фаннинг предметини тушунтиради.	саволларга навбат билан жавоб беради; - Ўйлайди, бўлимларни кетма- кетликда санайди; - фарқли жиҳатларни қиёсий таҳлил қилди; - бир-бирининг жавобларини тўлдиради; - 2.2. схема ва жадваллар мазмунини муҳокама қилади; - саволлар бериб, асосий жойларни ёзиб олади; 2.3. Ёзиб олади ва эслаб қолади; - саволларга мисоллар асосида жавоб беради; - маълумот ва таърифларни ёзиб олади;
3-босқич. Якуний қисм. 10 дақиқа.	3.1. мавзуга яқин ясайди ва талабалар эътиборини асосий тушунча ва масалаларга қаратади. Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради, мустақил иш учун вазифа беради.	3.1. Эшитади, аниқлаштиради. 3.2. Топшириқларни ёзиб олади.

1. Улуғбек Ҳамдам ҳаёти ва ижоди

Истеъдодли ёзувчи, шоир, адабиётшунос олим Улуғбек Ҳамдам (Ҳамдамов Улуғбек Абдуваҳобович) 1968 йил, 24 апрелда Андижон вилояти, Марҳамат тумани, Юқори Роввот маҳалласида дурадгор оиласида туғилди.

1985 йилда ўрта мактабни олтин медал билан тамомлаб, 1986 ва 1988 йиллар орасида Украинада аскарлик хизматини ўтаган. 1988-1993 йилларда ТошДУ нинг ўзбек филологияси факултетида таҳсил олган. 1992-

93 йилларда эса давлатимиз ташаббуси билан ўқишга юборилган талабалар сафида Туркиянинг Кўнё шаҳрида тахсилни давом эттирган. 1993-1994 йилларда Шарқшунослик институтида турк тилидан дарс берган. 1994-1996 йилларда Ҳозирги Миллий Университет ўзбек филологияси факултетининг кундузги аспирантурасини ўқиган.

1997 йилда "30-йиллар ўзбек шеъриятида "соф лирика" муаммоси" (Ойбек шеърлари мисолида) мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган. Илмий раҳбари - филология фанлари доктори, профессор Умарали Норматов. Ҳозирда "XX аср ўзбек шеърияти бадиий тафаккур тадрижининг ижтимоий-психологик асослари" мавзусида докторлик диссертацияси устида ишламоқда. Илмий маслаҳатчи - филология фанлари доктори, профессор Наим Каримов. 1997-2009 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва Адабиёт институтида катта илмий ходим. 2009- йилдан бери "Шарқ юлдузи" журналининг бош муҳаррири лавозимида ишлаб келмоқда. Оилали, бир ўғил ва бир қизи бор.

Улуғбек Ҳамдам бир неча насрий, назмий ҳамда адабий-танқидий тўпламлар муаллифи. Унинг илк насрий китоби 1998 йилда "Ёлғизлик" номи билан чоп этилган. Тўпламдан шу номдаги қисса ва қатор ҳикоялар ўрин олган. "Ёлғизлик" муайян бир қизиқ воқеа-ҳодисанинг бадиий талқинига бағишланган асар эмас, унда анъанавий образлар, тасвирлар, манзаралар, диалоглар йўқ: у - жанрий жиҳатдан ҳам биз кўникиб қолган реалистик қиссалардан тубдан фарқ қилади. Танқидчилик "Ёлғизлик"ни насримиздаги янгиланишлардан яққол дарак бергувчи ўзига хос рамзий асар сифатида баҳолади. Ҳикояларида ҳам муаллиф инсон қалбининг ҳамишалик безовта, таҳликали қисмини тасвирлашга уринади.

Ёзувчининг 1997 йилда ёзиб тугатилган ва 2002 йилда эълон қилинган "Мувозанат" романи адабий ҳаётимизда ўзига хос воқеа бўлди. Роман шу кеча-кундузда яшаб, меҳнат қилаётган замондошларимиз ва уларнинг қалб товланишлари ҳақида. Асарда халқнинг турли қатламларига мансуб ва ҳар-хил соҳаларда ишлайдиган қатор қаҳрамонлар борки, уларнинг ўй-ташвишларию мақсад-интилишлари замонамиз кишиларининг руҳиятлари билан уйғунлашиб кетади. Асар бош қаҳрамони Юсуф мураккаб давр эврилишларидан инсонга муносиб бир тарзда чиқиш учун курашади. "Мувозанат" мустақиллик йилларининг қайноқ кайфиятини акс эттирган реалистик асар сифатида академик М. Қўшжонов, профессорлар О.Шарафиддинов, У. Норматов, А. Расулов, С. Содиқов, Н. Худойберганов, Д. Қурононов, ёзувчилар П. Қодиров, Ж. Абдуллахоновлар томонидан юксак баҳоланди.

У. Ҳамдамнинг "Исён ва итоат" романи эътиқод ва иймон масалаларига бағишланган бўлиб, асар қаҳрамонлари тириклик мантиғи ва руҳ ҳаловатини ҳар икки дунё тўғрисидаги мушоҳадалар ёрдамида идрок этишга уринади. Романда дунёнинг яратилиши тўғрисидаги ривоятлар замондош инсоннинг ҳаёти билан мантиқий уйғунлаштирилади. Роман

профессор таржимон Н. Владимирова томонидан рус тилига таржима қилинган, алоҳида китоб ҳолида чоп этилган.

Муаллифнинг "Сабо ва Самандар" романи ишқ мавзусида салафларга эргашиб битилган асар бўлиб, унда пок ва юксак муҳаббат туйғуси замондошларимиз қисмати орқали шарафланади.

Улуғбек Ҳамдамнинг "Тангрига элтувчи исён", "Атиргул" ва "Сени кутдим" номли шеърӣ тўпламлари чоп этилган. Шоир шеърларида руҳ қичқирғини, қолипсиз, жиловсиз ва ҳаяжонли кечинмалар оқимини туйиш мумкин. Уларда келиш ва кетиш, нур ва зулмат, оқ ва қора, дўст ва душман каби тушунчалар ёнма-ён яшайди ҳамда шоир изтиробӣ билан зийнатланади.

2010- йилда нашрдан чиққан "Узоқдаги Динура" номли китобига муаллифнинг битта қиссаси, янги ҳикоялари ҳамда асосан, сўнгги йиллар маҳсули бўлмиш шеърлари киритилган.

Истиқлол йиллари муаллифнинг "Бадиӣ тафаккур тадрижи" ва "Янгиланиш эҳтиёжи" номли адабий танқидӣ-тўпламлари эълон қилинди. Уларда XX ва XXI аср аввалидаги ўзбек, қисман жаҳон адабиёти ва адабиётшунослиги муаммолари тадқиқ этилади. У. Ҳамдам Ж. Румийнинг "Ичиндаги ичиндаир" ва проф. У. Туроннинг "Туркий халқлар мафқураси тарихи" номли асарларини турк тилидан ўгирган.

Улуғбек Ҳамдамнинг хилма-хил жанрлардаги бадиӣ ва илмӣ асарлари марказида замондош инсоннинг зиддиятли микроолами тадқиқи туради.

5-машғулот

Улуғбек Ҳамдам шеърӣятида кўнгил образи

90- йиллар ўзбек шеърӣятида услубӣ-шаклий изланишлар ўзига хос тарзда намоён бўла бошлади. Бу сафда ўзининг бир қанча дилбар, жозибали шеърлари билан кириб келган Улуғбек Ҳамдам кўнгил мавзуси алоҳида ажралиб туради. Шоир ҳам носир, ҳам олим, ҳам таржимон, ҳам журналист сифатида қалам тебратиб келмоқда. Шу чоққача, унинг бадиӣ изланишлари кўплаб олимлар томонидан ўрганилмоқда. Жумладан, О.Шарафиддинов, М.Қўшжонов, У.Норматов, А.Расулов, Қ.Йўлдошев, С.Содиқ, Д.Қуронов, Р.Раҳмат, Б.Каримов каби олим ва мунаққидлар шеърӣяти, насрий асарларини тадқиқ қилишган бўлса, ёш тадқиқотчилардан М.Пирназарова, Г.Авезова, Ш.Ботирова, Х.Тўлибоев, О.Норов сингарилар роман ва қиссалари, шеърӣятига бағишланган монографик тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Шоирнинг аксарӣят шеърлари кўнгил ва унинг турлича кайфиятини таржима қилишга бағишланган. У кўнгилни ўзига хос тарзда поэтик жилвалантиради, авайлаб асрайди, баъзан аямасдан шафқатсизларча худди рауфона руҳда, кайфиятда тасвирлайди. Шоир учун "тириклик ва йўқлик – унинг кўнгил". Ибодати ҳам, эътиқоди ҳам кўнгил. Аёнки, ҳар бир шеър оламини ва одамини англаш учун битта зинапоя, холос. Агар том маънодаги

ҳақиқий, дардчил туйғулар, чин сўзларнинг меваси бўлса, албатта! Зинапоядан секин юрилиб, баландга кўтарилганидек, У.Ҳамдам ижодиётига, унинг руҳоний борлиғига кириб бориш учун худди зинапоядан юрилгандек йўл тутиш керакка ўхшайди. Масалан, шоир “Илтижо” шеърни қуйидагича ифода этади:

Яна Сенга тушмоқда ишим,
Яна Сенсиз ҳечкимман, ахир!
Ҳузуригга юкуниб келдим,
Ҳаёт бўлди аччиқ ва тахир...

Юрагимга оқди-ку яна
Қисматимнинг заҳар-заққуми.
Яна ҳасрат қилди тантана,
Яна Сенсиз ўтмади куним!..¹

Оламнинг эгаси Парвардигорга юкиниб, илтижо айлайди шоирнинг лирик қахрамони. Турмушнинг аччиқ қисматидан, ҳаётнинг пасту баландидан, оқибатсиз дўсту ёрларнинг етказган озорларидан кўнгли зада бўлгандек.. “Юракка оқиб тушиш” ўхшатиши изтироблар туғиб бераётган кайфият ҳосиласи демоқчи шоир бу ўринда. Чунки инсон табиат ва жамият фарзанди. Ўз табиатини(дард), самимий ифодалар қаърига олиб борар экан, Яратганга – нола қилишида ҳам ўзининг ҳақ эканлигини тушунтирмоқчи. Негаки, Яратганнинг назаргоҳи – кўнгилни пок сақлаш одоби, шоирнинг виждони уйғоқлигидан далолат эмасми? Шоирнинг қўлига қалам олиб ёзишга ундаган куч ҳам, борлиқни пок ва обод кўриш истаги эмасми аслида? Аслида ҳам шундай. Ижодкорки бор, ҳамиша безовта туйғулар исканжасида уқубат тортади. Яшаш сири, ҳаётдан югуриб-елишдан мурод не эканлигини бошқаларга ҳам тушунтирмоқчидек гўё. Бу шоир талқинотининг ўзига хос тарзда баланд пардаларда ифода этилиши бўлиб намоён бўла боради:

Ягона суянчим сен эдинг, эй Ишқ,
Илдизсиз дарахтдек энди тўлғонгум.
Айни ёз авжида кириб келди қиш,
Айни қулган чоғда қон қусди кўнгил...

Бандидан узилган япроқдек энди
Ҳавода учамак беком, бесадо.
Намчил тупроқ тортар бағрига мени,
Дилимда айланар энг сўнгги видо..¹

Инсон ўзи истаган нарсаларига эришгач, бениҳоя завққа тўлади. Лекин қўлга киритилган бойлик “ишқ васли”дан айирлган дилни ҳеч кўрганмисиз? У худди саҳрода кўкка қараб ёзғирган девонаваш Мажнун ҳолига тушмайдими? Ёки “Усиз Яшаш менга ҳаром” дея Ширин каби

¹ Ҳамдамов У. Сени кутдим. –Т.: “Фан”, 2007. –Б.21.

¹ Ўша асар, -Б.26.

ўзини тоғдан ташлаб, ҳалок қилмайдими? Мангу ишқ хусусида тизгинсиз ўйлаб, охир унга энди эришдим деганида, мосуво бўлган ошиқ каби изтироб чекмайдими? Наздимизда У.Ҳамдамнинг лирик қаҳрамони ҳам ана шундай ошиқлар, хилидан. *“Айни қулган чоғда қон қусди кўнгил”* сатрида ҳам юқоридаги саволларга хос жавоб бўлгулик фалсафа, мантиқ мужассам.

Бошқа бир шеърида эса:

Кўнгил кирланмоқда
орқага йшл ишқ!
Битмоқда руҳимнинг нафас йўллари.
Қани ҳей,
юралка учаётган ўқ,
Шошсанг-чи,
сўлмоқда умид гуллари...¹

У.Ҳамдамнинг ўзига хос шиддаткор ва шафқатсиз услуби эътироф этилган ҳодиса. Шеърларидаги шиддат ва исён, олам ва одам муносабатлари, муросаю мадора, балки жамият тартиботлари билан келиша олмаслик руҳи намоён бўлган, ҳамда реал поэтик мушоҳадага, “хос” талқинга йўғирилган. Чунки исён – шоирнинг дунёни тоза кўриш истаги ўлароқ намоён бўлиши аён. Ҳар бир истеъдод эгаси кўлига қалам олибдики, борлиқни ёвузликлардан, найранглару фириблардан тозаламоқ истагида умрини бахшида этади. Негаки, бу бахшидалиқ тағзаминида – миллатнинг истикболи, нурли ва фаровон турмуши, яшаш тарзи куйланади, идрок этилади. Ушбу шеърда ҳам шу хилдаги жозиб кайфиятни кузатиш мумкин. Унда лирик “мен” “битмоқда руҳимнинг нафас йўллари” дея ичдан куйинади. Адабиётшунос олим Қ.Йўлдошев эътирофича: “Биз одамнинг асл қиёфаси унинг хатти-ҳаракатларида яққол кўринади деган тўхтамни ҳақиқат деб ҳисоблашга ўрганганмиз. Аслида, одамнинг асл қиёфаси ҳаракат қилаётган, фаолият кўрсатаётганда эмас, балки ўзи, кўнгли, хаёллари билан ёлғиз қолганда ёрқинроқ кўринади. Лекин бу қиёфа сиртни ифода этмаганидек, сиртда намоён бўлмайди ҳам. Уни билмоқ учун одамнинг ботинини туймоқ лозим бўлади, ҳар бир одамда ботинга етиб бормоқ, уни туймоқнинг биргина йўли бор: ўз-ўзини аёвсиз тафтиш этиш. Улуғбек Ҳамдамнинг деярли барча шеърлари ўз-ўзини текшириш маҳсулидир. Унинг битганларида ўзи ва ўзлиги бўлишини астойдил истайдиган ҳамда шунга чин дилдан интилаётган киши сийрати ёрқин акс этади”¹. Дарҳақиқат, ҳар бир шеърида кўнгилни образ даражасида тараннум эта олган шоир изланишларида кўпинча битта жихат киши диққатини тортади. Бу эса ўз навбатида бебаҳо туйғу – ишқ ҳақида. Ишқни машрабона, рауфона, шавкатона руҳда ўзига хос ифода этганида аёнлашади. Унда ёруғ туйғулар, зулмат чангалларидан омон ўтиб олиш, мақсад кўнгилни овутиш эмас, Тангри жамолига эришиш, сўзларга илоҳий

¹ Ўша асар, -Б. 75.

¹ Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2006. –Б.514.

сифатлар беришида қабариб кўринади. “Таржимаи ҳол”, “Абсурд”, “Сени кутдим”, “Тангрига элтувчи исён”, “Паноҳ изладим”, “Ватаним”, “Сенсизлик” каби бир қатор шеърларида кўнгилнинг, ошиқ қалбининг изтироблару ҳасратларини, нидоларини поэтик яхлитликда чиза олган. Умуман, шоир лирикаси насри каби алоҳида ўрганилишни тақозо этадиган долзарб масалалардан биридир.

Мустақил таълим топшириқлари

1. Улугбек Ҳамдамнинг илк шеърӣ асарлари билан сўнгги яратилган асарларини таққосланг?
2. Ватан мавзуси тараннум этилган шеърларини таҳлил қилинг?
3. Шоир лирикасида ишқ мавзуси ифода этилган жиҳатларни ўрганинг?
4. Кўнгил образининг поэтик ифодаси қай тариқа ёритилган?
5. “Янги инсон” достонини ўрганинг?
6. “Сени кутдим” шеърӣ асарини таҳлил қилинг?
7. Таржимонлик фаолияти хусусида нималарни биласиз?
8. Насрий асарлари хусусида ўз тасаввурларингизни баён қилинг?
9. “Сабо ва Самандар” романида киритилган шеърларнинг бадиий функцияси хусусида фикрларингиз?

ХУЛОСА

Шеърят – инсон руҳ ва кўнгил изтиробларини, орзуларини, кечинмаларини куйлайди. Кўнгил доим нимагадир интилиб яшайди. Бу хусусият ижодкорда бошқача намоён бўлади. Кейинги йиллар лирикасида субъектив кечинмалар орқали, борлиқ, табиат, олам ҳодисалари идрок этилмоқда. Шоирлар фикру зикрини ўз кўнгилларига, пинҳон кечинмалар тасвирини чизишга қаратди. Доимо ҳам шундай бўлиб келган. Собик иттифоқ яккаҳокимлигидан халос бўлишликнинг ўзи соф санъат асарларининг дунёга келишига замин ҳозирлаб берди. Бунга Мустақиллик яратган чексиз неъмат эканлигини сифатида қараш зарур. “Исён - деб ёзади Овропода “Ақллар ҳукмдори” дея тан олинган Альберт Камю, - ҳар қандай исёнда исён қилинган нарсанинг мақсадга мувофиқ эмаслиги ва унинг ўрнини бошқаси билан алмаштиришдек истакларни жамлаштирган умумий талаблар акс этади. Шу маънода исён – янги дунё куришга интилишдир. Бу санъатга ҳам тааллуқли. Исён ўз олдига, очиқроқ айтганда, эстетик талаблар қўяди. Барча исёнкор фикрлар, кўриб чиққанимиздек, ёки даъватларда, ёки янги дунёни рамзлаштирган образларда намоён бўлади”. Дарҳақиқат, исён кўпчиликнинг наздида ўта салбий маъно ташишини баъзилар моҳиятига етиб бормасадан хулосалашга шошилади. Аслида-чи? Аслида, исён – дунёни ноҳақликлару адолатсизлик, найранглару кўзбуямачилик, қонунбузарликлару фириблардан тозалмоқ учун қарши ҳам тилида, ҳам дилида, ҳам амалида бўй кўрсатиши лозим бўлган инсоннинг виждон масъулияти, бурчидир. Алберт Камю ҳам XX аср Оврупо ижодий маданиятини мисли кўрилмаган суратда тараккий топишига ана шу нуқтадан, исён натижаси ўлароқ ҳиссасини қўшган эди. Дарвоқе, ижодкорки бор, туғилиб ўсган ватани ҳақида энг катта ҳақиқатларни куйлайди, миллат орзуларини акс эттирадиган асарлар ёзади. “Бу муқаддас заминда” инсоннинг азизлигини, аждодлар яратган бой ва бебаҳо маданий, маънавий мерослару қадриятларига ўз улушини қўшмоқ истайди. Ана шундай иймон, эътиқоди, бурчи, масъулияти билан бутун борлигини санъат, адабиёт, маърифатга бахш этган, қалби дарё инсонлар Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Улуғбек Ҳамдам сингарилар ижодий дунёсини ўрганиш бугунги кун адабиётшунослик, ҳозирги адабий жараён илмининг долзарб вазифалари саналади.

Рауф Парфининг фалсафий-интеллектуал лирикаси, Шавкат Раҳмоннинг ватанни англаш, уни тушуниш, ўзлигини бахшида этишга қаратилган жасоратли сатрлари, Усмон Азимнинг инсон ва олам муносабатларини омухталаштира олган дардчил туғёнлари, Улуғбек Ҳамдамнинг кўнгил руҳий ҳолатлару, яшашнинг аччиқ ҳикмати ҳақида шивирлаб суҳбат қураётган қаҳрамон оламни идрок этишимизда шу нарса аён бўлмоқдаки, юқоридаги Камю эътироф этган – ИСЁН моҳиятини тўғри англаш даражаси ётади. Бугунги шеърятнинг ҳозирги даражаси 70-80 йиллар авлодининг бир пайтлар баралла баланд пардаларда

“мустақиллик”, “эрк”, “озодлик” байроғи остида бирлаштира олган даъватлару англамларидан асло кам эмас, ана ўша даражанинг мантиқий давомидир десак, ҳақ гапни айтган бўламиз.

Рауф Парфи – ҳар бир шеърда инсон руҳиятининг туб-тубларигача кириб боради, ҳамда унинг қисмат ва тақдир чархпалагида бахтли бўлиш, мукамаллик сари интилиш каби хислатларини ҳам ўзига хос тарзда поэтик идрок эта олади. Шавкат Раҳмон эса “ғам сўзин элимдан аввалроқ айтдим, бахт сўзин айтаман элдан кейинроқ” сатрларида чуқур фалсафий мушоҳада кўзга ташланади. Унда ижодкорнинг миллатпарвар, ватанпарвар бўлишга чорлаш даъвати мужассам. Усмон Азим кузга мурожаат этишнинг ҳам боиси шундаки, у кузни илоҳий бир хилқат даражасига кўтаради. Улуғбек Ҳамдам кўнгил образини ўзига хос йўсинда поэтик жилвалантиради. Ибодати ҳам, эътиқоду эътимоди ҳам – шоирнинг ўз кўнгли. Вайрона бўлган ватани ҳам ўзининг кўнгли. Чунки унда яшашнинг, мантиқни англашга интилиш, ижод ва ижодкор кайфиятининг маҳзун видоси ноласи янграгандек.. бир бошқача безовталиқ, мукамал бўлишга интилиш, жавобсиз саволлар ўрталиғида ўзини таниш, олам ва одамнинг ўзаро мангу кураши, табиат ва жамият муросасизлиги янглиғ юзага чиқади.

Умуман, янгиланаётган бадий тафаккур ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган ушбу ижодкорлар, фахр ва ифтихор билан тилга оладиган томонлари, уларнинг ижод эътиқодига содиқ қолишларида қабариб кўринади. Улар учун шеър, “тириклик ва йўқлик”нинг мангу жангоҳи. Шу боисдан, шеърларида фалсафий мазмун, сирли ҳикмат мужассам. Булар биринчи галда кўнгил туғёнларини поэтик маҳорат билан чизишга эришганларидадир. Ҳар қанақасига олиб қарамайлик, шеърят барча замонларда руҳ тарбиячиси, қалб овунчоғи бўлиб келган. Унда ўзимизнинг асл қиёфамизни кўришимизнинг сабаби ҳам шудир деган ҳикмат келади хаёлимизга. Шундай эмасми?!

МУНДАРИЖА

1. Кириш.....	3
2. Ҳозирги ўзбек шеърлятида услубий-шаклий изланишлар.....	5
3. Рауф Парфининг фалсафий-эстетик олами.....	9
4. Шавкат Раҳмон ижодида Ватан мавзуси.....	15
5. Усмон Азим – “йирик туйғулар куйчиси”.....	24
6. Улуғбек Ҳамдам лирикасида кўнгил образи.....	31
7. Хулоса.....	38



Илхомбек Қурбонбоев 1974 йил 20 сентябрда Нукус шаҳрида туғилган. 1991-1996 йиллар мобайнида Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти «Ўзбек тили ва адабиёти» ихтисослигини тугатган. Меҳнат фаолиятини 1992 йили Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши марказий нашри – «Аму тонги» газетасида бошлаган. Аввал мусаххих, мухбир ва бўлим мудир лавозимларида фаолият юритган. 1999-2002 йилларда ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги ТАИ аспирантурасида таҳсил олади. 2005 йили «90-йиллар ўзбек шеъриятида образлилик» мавзуида номзодлик диссертациясини химоя қилган. Бир ўқув-услубий қўлланма, 50 ортиқ мақолалари даврий матбуотда чоп қилинган. .Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси (1996). Жорий кунда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети талабаларига адабиёт илмидан сабоқ беради.

E- mail: ilxam1974@yandex.ru